

Айгине маданий-тадқиқот маркази

Сувнинг сўроғи

Бишкек-2017

УДК
ББК

Үүкүв қўлланма «Ёшлар ва маҳаллий аҳолининг Қирғизистондаги сув ресурслари борасидаги экологик билим ва тушунчаларини кенгайтириш» лойиҳаси асосида тайёрланди. Мазкур лойиҳа Қирғиз Республикасидаги АҚШ Әлчилиги томонидан молиялаштирилган.

Тўпламда келтирилган далил, таклиф ва хуносалар муаллифларнинг фикри ҳисобланади ва АҚШ давлат департаментининг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин.

Китобни тузиб, нашрга тайёрловчи муҳаррир Самаков Айбек

Маълумотларни тўплаб, китоб мазмун-мундарижасини белгилаганлар: *Абдивалиев
Боходир, Абдуманапова Зухра, Абыласынова Гулайым, Акимбаева Тазагуль, Ахмедова
Зарина, Боконтаева Жаңыл, Зайнидинов Баҳридин, Мадумарова Малоҳат,
Сооронбаева Чолпон, Турдибоев Сарвар, Шекеев Тилекмат, Юсупова Вунжер,
Юсупова Гулзода*

Маълумотларни умумлаштирган *Айза Абдырахманова*

Китоб мазмунига ҳисса қўшганлар: *Карамолдоев Жумакадыр, Садыр уули Жумагазы*

Рус тилида тўпланган маълумотлар таржимони *Самаков Айбек*

Матн муҳаррири ва мусахҳихи *Алыбаева Гулнара*

Китоб тарҳини ишлаб чиққан *Айза Абдырахманова*

Сувнинг сўроғи. – 2017, 50 бет.

Китобда келтирилган маълумотлар Йысык-Көл ва Баткен вилоятларидаги маҳаллий тадқиқот гурухлари томонидан тўпланиб, ўрганиб чиқилди. Маълумотларда халқнинг сувга оид анъанавий билими ва замонавий тажрибалари қамраб олинди. Жумладан, сув билан боғлиқ маросим ва иримлар, сувнинг шифобаҳшилик хусусиятлари ва номлари, сув чиқариш ва ундан тежамкорлик билан фойдаланиш усууллари, сув танқислиги тифайли юзага келадиган келишмовчиликлар ҳакида маълумотлар ва сувга оид ривоятлар эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Ушбу қўлланма олий ўкув юртлари ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари, шунингдек, сув борасидаги анъанавий билим ва маълумотларга қизиққан китобхонлар учун мўлжалланган.

УДК
ББК

ISBN

© Айгине маданий-тадқиқот маркази, 2017.
720040, Токтогул кўчаси 93,
Бишкек шаҳри, Қирғизистон

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
Сув мен учун.....	6
Сув мен ва сиз учун нима?.....	6
Сув номлари қандай қўйилган?.....	7
Урф-одат, маросим ва иримлар.....	10
Болани қирқ қошиқ сувда чўмилтириш.....	10
Бошдан сув ўгириш.....	12
Дам солиш, учуклаш ирими.....	12
Сув устидан ҳатлаш.....	13
Ортидан сув сепиш.....	13
Никоҳ (уиланиш тўйи).....	14
Ёмғир чақириш маросими.....	15
Чўқинтириш.....	15
Таҳорат олиш.....	16
Қўлга сув қўйиш.....	16
Ёмон тушни сувга айтиш.....	16
Уй солиш учун сув ёрдамида жой танлаш.....	16
Майрам сув ёки майитни ювинтириш маросими.....	16
Халқ ишонимлари, таъқиқлар ва ёзилмаган қоидалар.....	17
Сувнинг шифобахшлик хусусиятлари.....	20
Сув билан даволаш усуллари.....	21
Чилла суви.....	21
Аждар тоққа чиққандаги сув.....	21
Ёмғир суви.....	22
Шифобахш сув ва булоқлар.....	22
Сув чиқариш усуллари ва сувдан унумли фойдаланиш.....	26
Қудуқ қазиш сирлари.....	26
Қудуқ қазиш асбоб-анжомлари.....	27
Абиз, авиз, ҳовуз.....	27
Усти ёпиқ ҳовуз.....	28
Кўзадаги сувга бақа солиб қўйилса, сув тоза сақланади.....	29
Ачиған сут (ёки айрон) билан сувни тозалаш.....	29
Томчилатиб сугориш.....	29
Қишиқи суғориш ёки яхоб.....	29
Сув олманинг узокроқ сақланишини таъминлайди.....	30
Ипак сифатига сувларнинг таъсири.....	30
Шоли – сув ўсимлиги.....	30
Оқова сувларни тозаловчи биоқўллар.....	31
Хавфли дарё.....	31
Сувни хор қилган, хўр бўлади.....	31
Сув учун зиддиятлар.....	33

Ривоятлар.....	35
Бола булок.....	36
Бир йилда уч кун оқадиган дарё.....	36
Қишлоқнинг Алиш деб аталиши.....	36
Ак-Булак қишлоғи.....	36
Исфайрам дарёси.....	36
Сув бўйида ўсан мажнунтол баёни.....	37
Мик қўрғонининг сири – сувда.....	37
Бант суви.....	38
Ысық-Көл ривояти.....	39
Кокуй-Көл ҳамда Жыргалацнинг аталиши.....	39
Икки коса сув.....	40
Козубаглан дарёси.....	41
Абшыр-Ата суви.....	42
Канжар-Булак.....	42
Шор-Булак.....	43
Пидап суви ёки Сасық-Булак.....	43
Агача-Булак.....	43
Зулпучач булоғи.....	44
Кара-Булак.....	45
Жин мажюр.....	45
Мақол ва нақллар.....	47
Мақол ва нақллар тизмаси.....	47

КИРИШ

Хурматли ўқувчилар!

Күлингиздаги ўқув қўлланмаси мактаб учун ёзилган бошқа китоблардан бир мунча фарқ қиласди. Мазкур қўлланмада келтирилган маълумотлар Йысык-Көл ва Баткет вилоятларидағи икки маҳаллий тадқиқот гурӯҳи томонидан тўпланиб, ўрганилиб, сизнинг эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Маҳаллий аҳоли намояндаларидан иборат тадқиқот гурӯҳи ҳалқ орасида мавжуд бўлган сувга оид анъанавий билим, усул ва тажсрибаларни тўплашини мақсад қилиб олди. Бундай изланишилар туфайли тадқиқотчиларнинг ҳам, маҳаллий аҳолининг ҳам эътиборини сув муаммоларига қаратиб, мазкур масалаларни ҳал этишида анъанавий билимнинг зарур ва фойдали эканлигини англадик.

Биз тадқиқот бошлангунга қадар ушибу қўлланма қандай бўлимлардан иборат бўлишини билмаганмиз. Изланишилар давомида аввал маълумотларни тўплаб, ўрганиб, уларнинг мазмунига қараб бўлимларга ажратдик. Ҳар бир бўлим таниқли шоир Женгижокнинг «Аккан суу» шеъридан олинган парча билан бошланади.

Баткен вилоятининг тадқиқот гурӯҳида Мадумарова Малоҳат, Акимбаева Тозагуль, Зайнидинов Баҳридин, Турдибоев Сарвар, Абдалимова Парвона ва Абдивалиев Боҳодир ишилади. Йысык-Көл гурӯҳи таркибида Боконтаева Жангил, Сооронбаева Чолпон, Абдуманапова Зухра, Абиласинова Гулайим, Шекеев Тилекмат, Аҳмедова Зарина, Юсупова Вунжер бор эди. Тадқиқотчи гурӯҳ аъзоларига Карамолдоев Жумакадир, Сейдакматова Чинора, Жумагази Садир ўғли ва Айза Абдираҳманова кўмак бершиди. Лойиха Қирғизистон Республикасидаги АҚШ Элчилигининг молиявий қўллаб-қувватлаши билан Айгине маданий-тадқиқот маркази томонидан амалга оширилди.

Шу билан бирга, ўқув қўлланмага киритилган маълумотларда сувга оид барча билимлар тўлиги билан қамраб олинди, деган фикрдан йироқмиз. Мазкур қўлланма сизнинг анъанавий билим ва тушунчангизни кенгайтириб, бу борадаги қизиқшиларингизни ошириши учун хизмат қиласди деган умиддамиз.

**Умрингиз сув каби узун бўлиб, билимингиз Йысык-Көлдай теран бўлсин деб,
Айбек Самаков, гурӯҳ раҳбари**

Сув мен учун...

Хали айтиб ўтгандай:
 Ўт ўстирар оққан сув.
 Жониворни семиртиб,
 Эт яратар оққан сув.
 Олма, узум, олмурат,
 Олча қилар оққан сув.
 Четин, шилби, қарағай,
 Арча қилар оққан сув.
 Биз билмаган дунёдан

Қанча қиласар оққан сув,
 Ай жонивор, оққан
 сув!..
 Тоғдан түшгап еридан,
 Яралганда тагидан,
 Тоза бўлган оққан сув.
 Покизалик жиҳатидан
 Қараб турсанг баридан,
 Улуг бўлган оққан сув.

Камарларнинг ичида
 Олтин қанот, жез
 қуйруқ,
 Балиқ тўлган оққан сув.
 Оламга кераклиги
 Аниқ бўлган оққан
 сув!..

Аккан суву, Женжисок

Сув мен ва сиз учун нима?

Сув ҳар бир инсон ҳамда одамзотнинг ҳаётида тақрорланмас, тенгсиз ўрин эгаллайди. Сув сиз учун нима? Биз ушибу сўров билан айрим кишиларга мурожсаат этган эдик, ушибу бўлимда уларнинг баъзи жавобларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Сув мен учун ҳаёт ва бойлик. Сув тозалик, дори-дармон. Сувсиз ҳаёт йўқ. Сувни қадрлаш ва покиза сақлаш, унга яхши муносабатда бўлиш лозим. Сувнинг ҳам ўз ҳомийси бор, эгаси бор (**Каримшакова Шаршекан. Кереге-Таш айили, Йысык-Көл вилояти**).

Сув одам боласи ва бутун дунёга ҳаёт бағишлади. Сув бўлмаса ҳаёт ҳам йўқ. Ҳаётнинг биринчи асоси – сув. Сувнинг дорилиги бор, кўп дардлардан халос қиласи (Сейдекан эна, Жети-Өгўз айили, **Йысык-Көл вилояти**).

Сув – ҳаёт. Мана ҳозир ҳам сув туфайли яшайпмиз. Бизнинг қишлоқдан оқиб ўтадиган Козубаглан дарёсининг суви ўта тоза, покиза ҳисобланади. Бу сув, эскилар айтганидай, тошдан-тошга урилиб пишади, дорилик жиҳати ҳам бор бу унинг. Бироқ ахолининг кўпайиши туфайли дарё суви ифлосланиб бормоқда, чунки унга ҳар қандай оқова сувлар кўшилмоқда (**Пирманова Алтиной, Эски-Оочи айили, Баткен вилояти**).

«Сув – инсоннинг ҳаёти, сув – ернинг ҳаёти. Сувсиз ҳаёт йўқ» – деб айтарди отам. Шунинг учун ҳам, азалдан ота-боболаримиз сувга яхши муносабатда бўлишган. Чиндан ҳам ўйлаб кўрсам, сув қадр-кимматли экан. Буюк тоғларнинг бағридан отилиб чиқиб, боғ-роғларни, одамларни кўзлаб ошиқади. Одам ариқ очиб, экин-тикинларни суғоради. Сув ҳеч қачон чарчадим демайди. Одам боғлаган томонга бориб, бўйнига олган вазифасини тўлиқ бажаради. Биз ГЭС қуриб, сув орқали ёруғлик оламиз. Сув уйимизда тинчлик шамини ёқиб, таом пиширишга ва яна бошқа кўпгина ишларга яраб турибди. Биз фойдаланаётган сув азиз ва табаррукдир. Сувнинг бажарадиган вазифаси улуғ: иссанг, чанқоғингни қондиради, ювинсанг, кирингни кеткизади, карасанг, кўзгу бўлиб юзингни кўрсатади (**Кожокеев Жаныбек, Кичик-Жаргилчак айили, Йысык-Көл вилояти**).

Сувни тирик жон, тириклик манбаи деб биламан. Сабаби, элимиз сувни азалдан ҳурматлаб, қадрлаб, уни худонинг берган улуғ неъмати, ризки деб билган (**Эркимбаев Максат, Каракол шаҳри, Йысық-Көл вилояти**).

Сув инсон учун энг зарур бўлган неъмат. Сув – ҳаётнинг булоғи. Сувни хор қилган кўр бўлади деганларидай, сувни ҳеч қачон хор қилмаслик керак. Исероф қилмаслик зарур. Унинг ҳам савол-жавоби бор, бир куни, шубҳасиз, бу дунёда бўлмаса ҳам, нариги дунёда, чин ҳаётда жавоб берамиз (**Динара, Бешкент айили, Баткен вилояти**).

Сувнинг маълумотни сақлаш хусусияти бор. Сувнинг ўзига яраша хусусияти, шифолиги бўлади. Уни қанча покиза сақласак, ҳаётимиз ҳам шу қадар тоза бўлади (**Акматалиев Жиргалбек, Каракол шаҳри, Йысық-Көл вилояти**).

Сув номлари қандай қўйилган?

Қирғизистоннинг деярли барча қишлоқларида «Көк-Суу», «Кашка-Суу», «Ак-Суу», «Кара-Суу» деган сув номлари (гидронимлар) учрайди. Нима учун қирғизлар бир хил рангдаги сувни турлича исмлар билан аташган? Сув бўйича эксперт, олим, доктор Жумакадир Жекшенович Карамолдаев ушбу сўровни ўрганиб, ҳозирги қирғизларнинг дарёларни номлашдаги билимини ўрганишга ҳаракат қилган. Қуйида олимнинг изланишлар натижасида билдирган фикрлари билан ўртоқлашамиз.

Донишманд аждодларимиз дарёларнинг оқимини, булоқларининг айрича хусусиятларини ўрганиб, уларни баҳолаб, турлича номлашган. Сувнинг исми – сувнинг моҳияти.

Ўлкамизнинг турли жойларида жойлашган дарё ва сойларнинг озиқланган манбаи бир-бирига ўхшаш бўлиб, ўша озиқлантирувчи манбаига қараб «кўк», «қашқа», «оқ», «қора» каби номлар билан бир-биридан фарқланиб туради:

«Көк-Суу» (Кўксув) манбаси чўққилардан бошлангани учун энг баландликдан чиқкан сувлар ҳисобланади. Улар чўққининг эриган сувларидан озиқланади. «Көк-Суу»лар Кирғизистоннинг шимолида кўпроқ учрайди, бу, жанубда тоғлар, чўққиларнинг нисбатан озлиги билан тушунтирилади. Масалан, Кизил-Суу дарёсининг қуиши жойида Алайкуу тизма тоғидан бошланган «Көк-Суу» дарёси бор. Бу дарё сувнинг кўпайиши июль ойининг охири ва сентябрнинг бошига, чўққилардаги музларнинг қаттиқ эрий бошлаган пайтига тўғри келади.

«Кашка-Суу» (Қашқасув) ҳам тоғ чўққиларининг қор ва музликлари сувидан бошланади. Чўққилар ва кўпинча тоғларнинг терскай томонидаги қорларнинг эриган сувларидан озиқланади. Шунинг учун, «қашқа» сувларнинг кўпайиш муҳлати «кўк» сувларга қараганда узоқроққа чўзилади (июнь – август ойларига тўғри келади). У кун давомида кўпайиб, тонг маҳали озаяди.

Чўққилар, қор ва еости сувларидан пайдо бўлган дарёлар «Ала-Суу»ни (Оласув) ташкил этади. Масалан, Ала-Арча, Ала-Бука сойлари. Айрим сойларнинг номи ҳозир тилга олинган «кўк», «ола», «оқ», «қора» ранглари билан бирга, жониворларнинг номи билан ҳам айтилади. Масалан, Ала-Бука (Олабуқа) ёки Ак-Буура (Октуя) дарёлари номининг иккинчи бўлаги, бошқача айтганда, «буқа» ва «туя» сўзлари ўша сойлар оқимининг кучини билдиради. Ала-Бука Чоткол тизма тоғларидан, Ак-Буура дарёси

эса Алай тизма тоғларидан бошланади, ҳар иккисининг ҳам оқими кучли, иккиси ҳам тез оқувчи сувлар ҳисобланади.

«Ак-Суу» (Оқсув) ҳам қор ва чўққи сувларидан пайдо бўлади, бироқ улар кўксув ва қашқасувлардан пастроқда, шу билан бирга, кунгай томонларда ҳам ҳосил бўлади. Масалан, Йысык-Көлда бир туманга номи берилган «Ак-Суу» мавжуд бўлса, ўлкамизнинг жанубида Ай-Көл кўлидан чиққан сув билан Денгизбой суви қўшилувидан пайдо бўлган «Ак-Суу» дарёси бор. Бу сув май ойида қўпайиб, июль ойида тўлиб оқади ва сентябрда озаяди.

«Кара-Суу» (Қорасув) кўпинча ер остидан чиққан булоқ сувларидан ва озроқ кўламда қор ва чўққиларнинг сувларидан ташкил топади. «Кара-Суу»ларнинг бошланиш манбаи «кўқ», «қашқа» ва «оқ» сувларга қараганда пастроқда жойлашган. Эл орасида Қорасув деб аталадиган Исфара дарёси бунга мисол бўла олади.

Шундай қилиб, пайдо бўлиш жойлари ва озиқланадиган булоғига қараб, дарёларни турли номларда аташган. Энг юксак тоғ чўққилари сувидан пайдо бўлган дарёлар «кўксув»лар бўлиб, улардан пастроқда жойлашганлари «қашқа», «ола», «оқ» ва «қора» сувлар деб аталган. Шубҳасиз, юқоридаги фикрлар Қирғизистондаги барча дарё номларига мос келмайди, масалан, юртимизда «Кизил-Суу» деб аталган бир қанча дарёлар мавжуд. Уларнинг суви палеоген даврида пайдо бўлиб, қизғиши тоштупроқли тоғ билан адирларни ювиб тушгач, қизил тусли бўлиб оқади.

Айрим бир дарёларнинг номи манбаи ёки рангига эмас, балки ўша сувларнинг «табиати»га қараб қўйилган. Масалан, «Жинди-Суу» (Тентаксой) бир гал ўнг тарафдан оқса, бошқа пайтда сўл томондан оқиб, оқимини ўзгартириб туради. Бир маромда оқмагани учун ҳам қирғиз эли бундай дарёларни «тентак» деб атайди. Уларнинг энг йириги Фарғона ва Бабаш-Ата тизма тоғларидан бошланган Кизил-Ункур ва Арстанбап сойларининг қўшилишидан ташкил топиб, ўнг томондан Қорадарёга қуйилади. Шунга ўхшаш «жинни сой»лар кўп холларда ўзанидан тошиб, майдонларни эгаллаб, қишлоқларга, мол-жонга хавф туғдиргани учун шундай номланади.

Халқ айрим булоқларни «эркак» ва «хотин» булоқлар деб ҳам атайди. 100-200 қулоч чуқурликда оққан босимсиз сувлар тоғларда тошқинсиз булоқларни пайдо қиласи. Улар кўпинча «эркак булоқ» деб аталади. Тошқинли булоқларни пайдо қилган босими кучли ер ости сувлари ҳам бор. Тошқинли булоқларни кўпинча «хотин булоқ» деб атасади. Демак, халқ тузилиши ва пайдо бўлиши асосида икки (тошқинли ва тошқинсиз) хил булоқни таниган. Булоқлар табиатини яхши билиш туфайли, унинг қачон ва қанча сув беришини олдиндан айтиб бериш мумкин.

Саволлар:

- Сиз учун сув нима?
- Сиз яшаган қишлоқда «кўқ», «қашқа», «оқ», «қора» ёки «қизил» дарёлар борми? Бошқа рангдаги дарёлар-чи? Улар нега шундай деб аталади?

Урф-одат, маросим ва иримлар

Агар деса: «Тур, кетгин!»
Индамаган оқкан сув.
Ифлослик ва ғуборни
Тоза қилган оқкан сув.
Эй, жонивор, оқкан сув,
Тун ила кун оқсанг ҳам,
Хизмат қилиб ётсанг ҳам,
Қадрингни билмагаймиз.
Қалбингни ифлос қилиб,

Тинмай сени тиғлаймиз.
Йўқ деганда бир йилда
Зиёрат қилиб бормаймиз.
Сув сийлаган зўр бўлар,
Сув хўрлаган хўр бўлар,
Ўзига ўзи ёв бўлар.
Ақл билан ўйлаб кўр,
Айтмадим мен беҳуда!..

Аккан суу, Жеңижок

Кундалик турмушининг маънили қисмини маросим ва ирим-сирилар эгаллайди. Бу иримларнинг кўпида сувдан фойдаланишиади. Бу бўлимда одам боласи бу дунёга келганидан бошлаб, умрининг сўнгги кунларигача бўлган маросим ва иримларда сувнинг қандай аҳамиятга эга экани ҳақида сўз юритамиз.

Болани қирқ қошиқ сувда чўмилтириш

Янги таваллуд топган бола қирқ кунлик бўлганида, уни 40 қошиқ сувда чўмилтириш маросими кўп халқларнинг урф-одатида мавжуд. Уни қирғизлар «қирқини чиқарамиз» деса, қозоқ тилида «Қырқынан шығару же шілдехана», татар, ўзбек, уйғур тилида «қирқ сув» деб аташади. Бу маросимни аёллар ўтказиб, қирқ қошиқ сувни томчилатиб, болани ювинтиришиади ва ҳар бир қошиқ сувни қуяётган пайтда «Умай эна қўлласин», «Умри сувдай покиза ва узун бўлсин», «Сувдай тўғри оқиб, ҳеч йўлидан адашмасин» каби яхши тилакларни айтиб туришади. Мухими, қирқи чиққунга қадар гўдак уйдан ташқарига чиқарилмайди. Бу маросим Қирғизистоннинг барча қишлоқларида ўтказилади, шу билан бирга, жой-жойига қараб, бироз айирмалар бўлиши мумкин.

Қозоқларда боланинг қирқинчи куни унинг туғилган санаси ҳисобланади, чунки 40 кун ўтгандан кейингина бола онасининг ҳидидан ташқаридағи ҳаётга кўнига бошлади. Қирқи чиқмагунга қадар болани ҳеч кимга кўрсатишмайди. Маросимни ўтказган аёллар гўдакни 41 қошиқ сув билан ювинтиришиади. Атайин тайёрланган косага 41 тийин ва 41 дона ловия солишиади. Тангалар бойликни, ловия эса тўқлик ва узоқ умринг белгиси ҳисобланади. Чакирилган меҳмонлар чинни косага қошиқлаб сув қўйишиади ва яхши тилаклар билдириб туришади. Ювинтириш чоғида танга ва ловия боланинг устига тушса бўлаверади. Бола танасининг ҳар бир аъзосига сув тегиши керак, чунки сув тегмай қолган жой бўлса, ўша жойлар хасталикларни чакириши мумкин. Боланинг тирноғи ва сочини олиб, кўз тегмасин деган ниятда, уларни матога ўраб, кийимига тикиб қўйишиади. Маросим битганидан кейин ишлатилган косалар, қошиқ ва тангалар уларнинг уйида ҳам болалар туғилсин деб, маросим иштирокчиларига тақсимлаб берилади. Ловияларни эса, қадам тегмас ерга тўкиб

күйишади. Маросим сувининг эмлаш хусусияти бор, боланинг уйқуси бузилса, унинг юзига сув суртиб қўйиш яхши фойда беради (**Ибраева Айнурा, Каракол шаҳри, Йысык-Көл вилояти**).

Ўзбекларда эса аёллар йигилиб, таом пишириб, икки косадаги сувга танга, олтин, исириқ ва қовурилган гўштнинг бир кесимини солишади. Аёллар навбати билан бир косадан иккинчисига қошиқлаб сув қўйиб, болага яхши тилакларини айтишади. Кейин сув докадан ўтказилиб, гўдак чўмиладиган сувга қўшилади (**Гулнора Кочкунбаева, Каракол шаҳри, Йысык-Көл вилояти**).

Масалан, «Қора қирғиз» китобининг 20-бетида боланинг қирқини ўтказиш маросими шундай тасвирланади («Қара кыргыз», 5-китеп, Ороздек Айтыймбет: Көкө Тенир, Б.:Бийиктик, 2007):

Гўдак туғилганига қирқ кун бўлганида, «ит кўйлагини» (туғилганида кийгизилган қўйлаги) ечиб, қирқ матодан қуроқ қилиб тикилган «қирқ қўйлак кийгизиш тўйи» маросими ўтказилади. Қирқ дона нон пиширилиб, ташқаридан ўйнаб юрган қирқ нафар болага улашилади. Ўша қирқта нон асосида қирқ уруғли қирғизнинг ота-боболарни хотирлаш одати ётади. Чақалоқнинг «ит кўйлаги» ечилиб, «қирқ қўйлак» кийгизилган ўша кечада унинг бешиги атрофида қирқта шам ёқилади. Ҳар бир шам қирғизнинг бир уруғини англатади, ўша уруғларнинг бор хосияти, куч-кудрати болани қўллаб турсин, деган маънода шам ёқилади. Ўша ердаги энг кекса қария Көкө Тэнгрига топиниб, болага узун умр сўрайди. Ювинтириш маросимида юртнинг энг мўътабар онахони гўдакка тоғнинг кўк қашқа сувидан томизиб, мана бундай дуо қиласи:

Қирқ отанинг удуми,
Ота-она таянчи.
Қирқ уруғ қирғиз ичган сув,
Қирқ отамиз кечган сув,
Қирқ довонни ошган сув,
Қирқ думалаб келган сув,
Қир-тошларни қирқкан сув,
Хизир бобом тотган сув,
Сувдай тоза бўл!
Нурдай сулув бўл!!!

Бошдан сув ўгириш

Кўп ҳолларда олис сафарда ёки беморхона, шунингдек, бошқа хавфли жойлардан келаётган одамларни уйга кириш пайтида бўсағада тўхтатиб, бошидан бир коса сувни бир неча марта ўгириб, ирим қилишади. Косадаги сувни одам босмайдиган ерга ёки дарахтнинг остига тўкишиб, идишни эшикнинг олдига тўнкариб қўйишади. Бундан мақсад, ирим қилинаётган одамнинг умри узун бўлсин, ҳаёти тоза бўлсин, сафари чоғида илашган ёмон сўз, ёмон кўз, оғриклар бўлса, ўша сув билан кетсин, деб ният қилмоқдир.

Дам солиш, учуклаш ирими

Қаттиқ совуқ тегиб ёки кўз текканларни учуклаб қўйишса, уларнинг аҳволи яхши бўлишидан хабаримиз бор. Шом кириб, кун ботиб бораётган чоғда беморни остоңага ўтиргизиб, темир қириндини қизаргунча иситиб, беморнинг боши устида тутиб туришади, сўнгра оғизга сув олиб, исиган қириндига пуркашади. Чиқсан буғ ва сув даволанувчининг бошига тушади. Буни уч марта такрорлаб, сувни беморнинг бошидан ўгириб, кун ботишга қараб сепиб юборишади. Бемор эса ўша ҳолатда тўшакка ётқизиб қўйилади, сўнгра унинг бошидан оёғига қадар болтани тегизиб ирим қилишгач, уни беморнинг оёғи остига ташлаб қўйишади. Икки-уч соат ўтгандан кейин бемор терлайди, тер билан бирга бош оғриғи, илашган дардлари ҳам чиқиб кетади.

Сувга дам солиб, ўша сувни ҳар қандай дардлардан халос бўлиш мақсадида ёки соғлиқни сақлаб туриш ниятида ичишади. Кўпгина табиблар сувга Куръони Каримнинг сураларидан ўқиб дам солса, насроний динидагилар Инжилдан дуолар ўқиб дам солишади. Сувга яхши сўз, яхши тилак айтиб, дам солса ҳам бўлади деб айтишади. Масалан, ҳар куни бир чойнак сувга Тэнгир Ата ва Жер эна номи билан дам солиб, ичиш олдидан 9 марта айтиладиган дуолар бор (**Садыр уулу Жумагазы, Ысық-Көл вилояти, Кызыл-Туу қишлоғи**):

Сувнинг пири – Сулаймон ота!
Ўзинг каби покизалик бер,
Танамдаги дардларнинг ҳаммасини тозала,
Куч-қувват бер!
Сувнинг пири – Сулаймон,
Бор дунёни оралаб,
Бор дунёни дорилаб,
Босган ёмон ўйлардан,
Қора изли қорадан,
Бош айлантирган жинлардан,
Бош олгувчи тиллардан,
Халос бўлай, Сув ота,
Кароматинг кўрсатгин!

Сувга дам солиш билан боғлиқ яна бошқа иримлар ҳам мавжуд. Масалан, айрим ҳолларда дам солинган сувни қабоғига тирсак чиққанларнинг кўзига пуркаб, дарддан халос этиш ирими бор. Кичик болани кимdir қаттиқ яхши кўрса, кўз тегмасин, кўзи ўтиб кетсин деган мақсадда, боланинг бошидан оёғига қадар сув билан силаб қўйишган ёки энаси кўйлагининг этагини сувга хўллаб, боласининг бетига суртган. Кичик болаларнинг юраги тушган бўлса, сувни юрак кўтариш маросимида ҳам қўллашади.

Юрак кўтариш маросимини катта бувим ўтказганини кўрганман. Бувим эмчи аёл эди. Эмчилик қўпинча онадан қизига берилади деб эшитганим бор. У қаттиқ қўрқкан ёки чўчиган кишиларнинг юрагини кўтариб қўярди. Бувим ўзидан бошқа икки-уч нафар эмчи аёл билан бирга юрак кўтариш маросимини ўтказарди. Энг аввало, юраги тушган кишини уйнинг остонасига ётқизиб, оёғини осмонга қараб кўтариб, уч марта «тушдими-тушди» деб ирим қилишган. Ундан кейин кичик косадаги сувни беморнинг боши узра кўтариб, ундан идишга уч марта тупуришни сўрашган. Ундан кейин ўша сувга ун қўшиб хамир қоришарди. Кейин хамирни ўтнинг чўғига кўмиб қўйишарди. Агар думалоқ хамир ёрilmай, ўша ҳолича қолса, ирим яхши натижа бериб, беморнинг юраги жойига тушган ҳисобланарди. Агар хамир ёрилса, бу иримлар такроран бажариларди. Айрим кезларда, думалоқ хамирни юраги тушган киши қўлтиғи остига қўйиб юриши зарур ҳисобланарди. Юракни кўтариш 3 ёки 7 марта такрорланади. Баъзан «эс кириб кетибди» деган гап ҳам айтилади. Бу беморнинг юраги тушганига кўп бўлганини билдиради. Бу ҳолда унинг юрагини кўпроқ кўтариш зарур бўлади (**Абдыкаар кызы Бегимгул, Кызыл-Кия шахри, Баткен вилояти**).

Тонг отар маҳалида, ҳеч ким сувга тегмаган кезларда, булоқнинг суви ўзгача хосиятга эга бўлади. Боланинг юраги тушганда, сахарлаб булоқ ёки кудукдан олинган сувни ортга қарамай олиб келиб, болага ичириб, қўл-оёғини ювиб, ортиб қолганини дараҳт остига тўкиш лозим. Кудукдан қирқ марта сув олиб келиб, болани қирқ марта сувга ювintирса, даво бўлади. Мен ўз болаларим ва набираларимни ана шундай тарзда даволаганман (**Валентина Рябова, Каракол шахри, Йысык-Көл вилояти**).

Сув устидан ҳатлаш

Кўп ҳолларда bemor киши тузалавермаса, йўлдаги сув ёки ариқни ҳатлатиб, уни бошқа қишлоққа олиб боришади. Сувдан ҳатлаб ўтса, касалликнинг ҳаммаси ўша аввалги ерда қолади дейишади. Одам дарддан кутилгач, ўз маконига қайтиб келаверади.

Ортидан сув сепиш

Хонадонга ёмон фикрли одам келса ёки кимdir келиб жанжаллашиб кетса, «Айланайин, ёмонлигини оқар сув олиб кетсин!» - деб ортидан сув сепиб юборишар экан. Бунга ўхшаган ирим русларда ҳам бор бўлиб, ёмон одам уйимизга қайтиб

келмасин деб, унинг ортидан сув сочишади. Бунинг устига, рус халқининг қадимги ақидасига кўра, бу дунё билан у дунёниг сарҳади сув бўлгани учун, майитни кўмиб келишганидан кейин, ўлик чиқсан уй остонасига бир коса сув қуиб, хоналарнинг полини ювишар экан. Дунганларда эса, қудалар қизни олиб кетганидан кейин, уларнинг ортидан сув сочиб, ҳовлини супуришар экан. Бу ирим «Қизимиз борган жойидан бахтини топсин» деган маънони билдирап экан (**Мария Иманбакаева, Каракол шахри, Йысык-Көл вилояти**).

Шу билан бирга, айрим кишилар яқин одами олис сафарга чиқиб кетса, уйга соғсаломат қайтиб келсин деган ниятда, унинг ортидан сув сепишар экан. Сафарга отланган одамнинг ортидан сув сепилса, у сув каби эсон-омон қайтиб келади, деб ирим қилинади.

Никоҳ (уйланиш тўйи)

Уйланиш тўйининг асосий маросими никоҳланиш хисобланади. Никоҳдан аввал, косага сув қуиб, унга шакар қўшиб, баъзан идиш тубига кумуш танга солиб тайёр қилиб қўйишади. Никоҳ дуоси ўқилганидан кейин, ўша сувни келин-куёв бўлиб ичишади. Сувни ичишаётганда, турмушнинг иссиқ-совуғига, паст-баландига бардошли бўлайлик, ҳамма қийинчиликларни енгид үтайлик, ҳаётимиз ҳам, ўзимиз ҳам сувдай тоза бўлайлик, умримиз узун бўлсин, деб ният қилишади. Келин-куёвнинг турмуши тотли бўлсин, кумуш сингари асил ва тоза бўлсин, деган ниятда сувга шакар қўшилади.

Сув улуғликнинг, шириналикнинг, тозаликнинг белгиси бўлгани учун, яхшиликни истаган халқ юқоридаги каби иримларни амалга оширади. Никоҳ ўқилганидан кейин ҳам сув билан қелинни синаш урф-одати баъзи халқларда мавжуд. Масалан, татарларда келинчакни қудуқдан сув олиб келиш учун юборишади. Сувни тўкмай-сочмай олиб келса, эпли экан деб мақташади, сув тўкилиб қолса, эпсиз экан деган сўзни айтишади (**Амангулова Сезим, 24 ёшда, Каракол шахри**).

Қозогистоннинг баъзи бир қишлоқларида келинчакка булоқ бошини кўрсатиш маросими бор. Қариндош-уруғлари тантана билан келинни булоқ ёки қудуқ бошига олиб боришади, келин илгич билан икки пакир сув олиб, уни қайноасининг уйига кўтариб бориши керак. Пақирнинг тубига кумуш танга солинади. Уйдаги меҳмонлар ўша сувни сотиб олишлари зарур (**Аҳмедов Вали, Каракол шахри, Йысык-Көл вилояти**).

Рус халқининг шундай одати бор: уйланиш куни арафасида, қиз ўз дугоналари билан ҳаммомга тушмоғи зарур. Қизнинг дугоналари ёшликтин тугаётгани ҳақидаги қўшиқларни айтишиб, қизнинг кўп болали бўлишини ният қилишади. Уйланиш кунининг ўзида келиннинг дугоналари безаниб, ўйин-кулги қилиб келин билан бирга сувга боришади. Сувни куёвнинг уйига олиб келиб, дарвоза устунига сепиб, тағин сув олиб келишади, бу гал куёв келин ва унинг дугоналарини вино, мусаллас, шириналиклар билан кутиб олади. Йўлда учраганларга ҳам ҳазил-мутойиба қилиб сув сочишади. Ёш келин ва куёвни ўйин-кулги, куй-қўшиқлар билан уйга киритишади, сўнгра келин олиб келган сувидан таом тайёрлайди (**Ольга Фролова, Каракол шахри, Йысык-Көл вилояти**).

Ёмғир чақириш маросими

Ёмғир чақириш маросими күп элларда мавжуд ва у турлича аталиши мумкин. Курғоқчилик вактида қўни-қўшнилар йиғилиб, курбонлик учун мол сўйиб, Яратгандан ёмғир сўраш маросимини ўтказишиади. Бу маросим дарё соҳили ёки булоқнинг бошида ўтказилади, бироқ уйда ҳам ўтказилиши мумкин. Масалан, Йысык-Көл вилоятининг Ырдык айилида яшаган дунганлар «Чур йур» ёғин-сочин маросимини қуидагича ўтказишиади:

Дунганлар меҳнаткашлиги билан танилган бўлиб, лавлаги ўсимлигини күп экишиади. Баъзи йиллари ойлаб ёмғир ёғмай қолиши мумкин, оқибатда, даладаги экинтикинлар қурий бошлайди. Шунда қишлоқ ахли кўча-кўча бўлиб йиғилиб, ёғин-сочин мўл бўлсин деган ниятда, «Чур йур» маросимини ўтказишиади. Аввал маросимни ўтказишига жой танланади. Режага биноан, маросим тоғ тарафда, булоқнинг ёнида ўтказилади. Белгиланган куни кўпинча эркаклар болаларини маросим ўтказиладиган жойга эргаштириб боришади. Куръон ўқилиб, кейин қурбонликка қўй ёки мол сўйилади. Қурбонликка келтирилган молнинг бошини сув эгаси ҳисобланмиш Аждарга емиш сифатида сувга ирғитишиади. Гўшт пишгунига қадар, эркаклар сувга яхши муомала қилишмагани учун узр сўраб, тавба қилиб, Куръон ўқишади. Шундан кейин, Куръон ўқиши билганларнинг ҳаммаси айланиб ўтиришиб, Куръони Каримдаги сувга оид сураларни тиловат қилишиади. Таом тайёр бўлганидан кейин, ҳамма болалари билан бирга ёмғир ёғсин деб, дуолар қилишиади. Сўнгра маросим ўтказилган жойни тозалаб, уйларига қайтишиади. Айрим пайтларда уйга қайтар маҳали 2-3 нафар кичик ёшдаги болалар тош йиғиб, сувга ирғитишиади. Бир-икки кунда чиндан ҳам ёмғир ёғади. (**Цеахунов Абраҳман, Ырдык айили, Йысык-Көл вилояти**).

Курғоқчилик келган йиллари славян халқлари ёмғир сўраб, маросим ўтказишиади. Бу маросимда христиан динигагача бўлган урф-одатлар ва насронийлик ақидалари тенг назарда тутилган. Ер билан осмондаги сув бир-бири билан боғлиқ деган тушунча асосида, ёмғир ёғдириш учун ердаги булоқларининг ёнида маросим ўтказилган. Масалан, черков ходимлари билан суви бор ёки қуриб қолган қудуққа ёки булоққа боришиб, уни тозалаб, худога сифинишган. Баъзан қуриб қолган дарёning соҳилини чўкич билан қазишган. Қудуққа буғдой, ловия, нон, туз ва яна бошқа нарсаларни ирғитишишган. Буғдой ёки ловияни сочишларининг сабаби, ёмғир томчилари буғдой каби иирик, мўл бўлсин деганидир (**Валентина Фролова, Каракол шаҳри, Йысык-Көл вилояти**).

Чўқинтириш

Насронийларда бола (чакалоқ) динни қабул қилиб олгач, уни сувга чўмилтириш, яъни «чўқинтириш» маросими ўтказилади, уни рус тилида «крещение» дейишади. Сувга кумуш хочни солиб, дуолар ўқишади. Шундай қилиб, чўқинтириш, бошқача айтганда, насроний динини қабул қилиш маросими сув ёрдамида ўтказилади. Қиши фаслида ўтказиладиган Исо пайғамбарнинг чўқиниши байрамида насронийлар музни ўйиб, совуқ сувда чўмилишиади. Бу пайтдаги сув топ-тоза бўлади ва у анчагача

бузилмай туриши мумкин. Бу сувни бемор киши ичса бўлади, шунингдек, ундан уйларни ювиш ва тозалаш учун фойдаланиш мумкин.

Таҳорат олиш

Ислом динида сув бўлмаган жойларда тупроқ билан юваниш ирими мавжуд. Таҳорат олган одам оғиз-бурни, юзини, оёғининг бўғинигача ювиб, бошига «маҳс» (хўл қўли билан силайди) тортади. Бутун танани ювиш эса «ғусул» деб аталади.

Қўлга сув қуиши

Қирғиз элида таомдан, яъни гўшт тортилишидан олдин ва таом еб бўлингач, дастурхон атрофида ўтирганларнинг қўлига сув қуиши одати бор. Ўтирганларнинг дуосини олайлик деб, аксари ҳолларда ёш болалар қўлга сув қуишиади. Қўлини юваётган кишилар сув қуяётган болага «Умринг сувдай узун бўлсин», «Бахтли бўл», «Умрингга барака берсин», «Тилагингта ет», «Кам бўлма» каби тилакларни билдириб туришади. Таомдан аввалги сув илиқ қилинса, таомдан кейингиси мойни кеткизар даражада иссиқроқ қилиб тайёрланади. Сувни меҳмон қўлига узиб-узиб қуишиади. Ўтирган меҳмонларга биринчи навбатда ўнг томондан бошлаб сув қуишиади, таомдан кейин эса, сув қуиши чап томондан бошланади. Қирғизистоннинг айрим мавзеларида меҳмонлар келса, уларнинг қўлига сув қуиб, сўнгра уй ичига, таомга таклиф этишади.

Ёмон тушни сувга айтиш

Қирғизлар ёмон туш кўрса, уни ҳеч кимга айтмай, оқар сувга айтиб, кейин юзини ювиб, уйга қайтишиади. Шунинг учун «Ёмон туш кўрсанг, оқар сувга айт», – деган гап қолган. Бироқ айрим кишиларнинг айтишича, ёмон тушни айтмаслик керак, бу сувни булғаш билан баробар бўлади.

Уй қуриш учун сув билан жой танлаш

Баъзи кишилар уй солинадиган ерга тун бўйи косага сув қуиб қўйишиади. Сув яхши турса, бу жой уй солишга муносиб деб топилади, сув бузилса, бу ер хосиятсиз экан деб, бошқа ерни танлашади.

Майрам сув ёки майитни ювиш маросими

Инсон бу дунёдан кўз юмгач, тупроқса қўйилишидан аввал унинг танаси ювилади. Айрим пайтларда майит ювилишидан олдин майрам сувига олинади. Майитни ювишга уч ёки тўрт киши, кўпинча вафот этган кишининг яқинлари, қизлари ёки ўғиллари киради. Вафот этган киши аёл бўлса, отинбибининг (диний илми бор бўлган аёл), эркак киши бўлса, мулланинг назорати остида ювилади. Аввал майитни таҳорат олдириб, тирик киши ғусул қилгани каби ювишиади. Майит ювилиб бўлгач, оқ матога ўралади. Вафот этган киши қарздор бўлиб қолмаслиги учун, майитни

ювганларга кийим-кечак, идиш-товоқ ёки бошқа нарсалар берилади. Халқ ривоятларига кўра, танаси ювилгач, майитнинг қулоғига бу дунё гап-сўзлари кирмайди, танаси ювилмай қолса, бу дунёда нималар бўлаётганини эшишиб, жони қийналар эмиш. Танаси ювилгач, марҳум бу дунёдан воз кечиб, хайрлашади. Шунинг учун марҳумни сувга олган кишилар жуда катта савобга эга бўлишади.

Одам ўлгач, унинг танаси сувга олинади. Аввал марҳумнинг яқин қариндошлари томонидан унинг ички аъзолари, аврати клизма ёрдамида тозаланади. Агар майитнинг қулоғи ёки оғзидан, бошқа аъзоларидан қон кетса, сув билан ювилиб, пахта солиб қўйилади. Бу «майрам сувига олиш» деб аталади. Ҳамма майитни ҳам майрам сувига олаверишмайди. Агар киши майрам сувига олинглар деб васият қилган бўлса ёки вафот этган кишининг танасидаги бирор аъзосидан қон оқса ёки ўлими олдидан ичи юришмай, ичагида ҳазм бўлмаган таом ёки пешоби қолган бўлса, эл келгунига қадар тоза турсин деган мақсадда, майрам сувига олинади. Бундан ташқари, инсон шаҳид кетганида ҳам ана шундай сувга олинади. Кейин майитни ювиш маросими ўtkазилади (**Мурзаканова Ибадат, Ынтымак қишлоғи, Ош вилояти**).

Халқ ишонимлари, таъқиқлар ва ёзилмаган қоидалар

Сувга боғлиқ халқ ишонимлари, таъқиқлар ва ёзилмаган қоидалар мавжуд. Бундай ишонимларни баъзи бирорлар эътиборга олмаса, бошқалар сувдан фойдаланаётганда бунга қаттиқ ишонадилар. Масалан, қирғиз элида «Сувнинг пири (отаси) Сулаймон», «Сувнинг пири – Байэне», «Ёмғир пири – Култур Ота», «Жоннинг пири – Чагилхон», «Сувнинг эгаси – Сук»* деган сўзлар бор. Сувга тегишли қўидагича таъқиқлар мавжуд:

Касал бўлиб қолмасин деган мақсадда, чақалоқ эмизадиган ёш жувонларни сувга юборишмайди. Ёш болаларни ҳам кечқурун сувга жўнатишмайди (**Тутаева Жарқын, Каракол шаҳри, Йысык-Көл вилояти**).

Мен кечқурун сувга борганимда, «Сув париси, сув бергин», – деб сўраб сув оламан. Бувим менга сувни ана шундай олинглар, деб ўргатганлар (**Жээнчороева Роза, Ичке-Жергез қишлоғи, Йысык-Көл вилояти**).

Менинг бобом оқар сувга қўйнинг ичагини ювиб бўлмайди деб ўргатган, ҳозирга қадар бунга амал қиласман. Биринчидан, ичак ювилса, сув ҳаром бўлади, иккинчидан, ювсанг, ризқинг кетиб қолади деб айтганди. Ҳозир ўйлаб қарасам, оқар сувни булғамаслигимиз учун шундай деган экан (**Медет Термичеков, Каракол шаҳри, Йысык-Көл вилояти**).

Жума кунлари кир ювилмайди, шу куни арвоҳлар келади, уларни хурмат қилиш керак деб эшигтанман (**Шаршембиева Гулай, Отуз Уул қишлоғи, Йысык-Көл вилояти**).

* Ўрлар, айтыштар. Туз. А.Жусупбеков – Б.: Бийиктиқ, 2006, 26-бет.

Кечаси сувнинг юзини ёпиш керак, деган гапни кексалардан эшигандан, шунинг учун ҳеч қачон чеңлакдаги сувнинг юзини очиқ қўймайман. Бунда, биринчидан, сувга чанг-ғубор, иккинчидан, ўргимчак каби ҳашаротлар тушмайди. Одамларнинг ишончига кўра, ўргимчак тушган сувни ичган киши жонидан айрилар эмиш. Бундай таъкиклар бекорга айтилмаса керак (**Дехқонова Маңмуро, Халмион қишлоғи, Баткен вилояти**).

Азалдан ота-боболаримиз яйловда ёки қишлоғда юрганда, доимо булоқнинг кўзини тозалаб келишган. Сув бошқа жойга «қочиб» кетмасин деган мақсадда бу ишни амалга оширишган. Молни суғорганда ҳам эҳтиёткорлик қилишган, кечувда ҳам сувнинг ифлос бўлмаслиги учун ҳаракат қилишган (**Қасымбеков Орузбай, Маман қишлоғи, Йысык-Қөл вилояти**).

Энам сувга тупуриш ва пешоб қилишни катта гуноҳ деб ҳисобларди. Сувга тупурган худонинг кўзига тупургандай бўлади дердилар. Сувнинг яқинида ёмон сўз айтиш ёки ёмон иш қилиш мумкин эмас, сув ранжиб қолиши мумкин. Одамлар сувни доимо тоза сақлаш зарурлигига ишонганлари учун, ҳомиладор аёллар, беморлар, шунингдек, майит ювган аёлларга кудуқдан сув олишни таъкилашган, чунки сув бузилиб кетиши мумкин деган фикрда бўлишган. Кечкурун сувга бориш ёки кир ювиш мумкин эмас, чунки у пайтда сув ҳам ухлаб ётган бўлади. Муз кўча бошлаганда сувга тош иргитиш мумкин эмас, чунки ўша пайтда сув ўзини ҳозиргина ҳомиладан бўшаган аёлдай ҳис қиласди. Шунинг учун, тош иргитиб, унинг тинчини бузиш яхшилик аломати эмас, дейишади (**Валентина Рябова, Қоракўл шахри, Йысык-Қөл вилояти**).

Болалар, ота-оналарингиз, бобо-бувларингиздан сувни эъзозлаш ҳақида қандай насиҳатларни, айрим ҳолларда эса, таъкикларни эшиганданиз. Қуйида келтирилган фикрлар билан танишигач, мулоҳаза юритиб, насиҳат ва таъкикларни тўлдириши учун ҳаракат қилинг.

- Сувга ахлат-ташландиқларни ташламанг, чунки сувнинг уволи тутади.
- Ит ва мушукка сув сочиш мумкин эмас, шундай қилсангиз, сўгал чиқади.
- Оқиб ётган сувга супургини солиб ювма. Сабаби нимада?
- Сувнинг хотираси бор, у жуда ҳам сезгир, шунингдек, ёдда сақлаб қолганларини қайтаради дейишади.
- Сувга яхши дуоларни ўқиб, беморларга берсангиз, шифо бўлади.
- Сув турган ўйда жанжаллашиб бўлмайди, сув яхши сўзни ҳам, ёмон сўзни ҳам, ўзига сингдириб олади.
- Сувга ёмон ниятда дуо қилиб, ирим-сирим қилмаслик керак, шундай қилган одамга зарар етиши мумкин.
- Коронғида сувга борма. Коронғида сув олсанг, сувнинг юзини уч марта олиб ташлаб, кейин ичгин.

Саволлар

- Сув билан боғлиқ қандай маросимларни биласиз? Сиз сув билан ўтказилган маросимларни кўрганмисиз?

- Сувдан фойдаланишда қандай таъқиқларни эшитгансиз?
- Бу борада юқорида айтилмаган маросим ва иримларни биласизми?

Сувнинг шифобаҳшлиқ ҳусусиятлари

Қоратоғнинг бағрини
Ёриб чиққан оққан сув.
Кумуш қанот, жез қўйруқ,
Балиқ чиққан оққан сув.
Қора ернинг остидан
Илиб чиққан оққан сув.
Қора тошдан шарқираб,
Тушиб ётган оққан сув.
Жониворлар симириб,
Ичиб турган оққан сув.
Оқ қоянинг бағридан
Қанот олган оққан сув.
Фариб, мискин, бечора,
Тахорат олган оққан сув.
Чанг-ғуборни, кирларни
Ювиг кетган оққан сув.
Ойларнинг шуъласидай
Ёруғ берган оққан сув.
Туби юмшоқ, усти қаттиқ
Ердан чиққан оққан сув.
.....
Турли гиёҳ, аччиқ ўт

Ўстиради оққан сув.
Тоққа чиққан кампирсоч
Ундиради оққан сув.
Жонузоқдай бир чўпин
Дори қилган оққан сув.
.....
Тоғдан оққан еридан,
Яралганда тагидан,
Муздек бўлган оққан сув.
Тозалик жиҳатидан,
Қараб турсанг баридан
Улуғ бўлган оққан сув.
Камарларнинг ичида
Олтин қанот, жез қўйруқ,
Балиқ тўлган оққан сув.
Оlamга кераклиги
Аниқ бўлган оққан сув!.
Кимга бўлса бари бир,
Мўмиёдай ёқкан сув!..

Аккан суву, Жеңижок

Сув билан даволаш усуллари

Инсониятга маълум бўлган дори-дармонлардан бири сув ҳисобланади. Барча халқлар сувнинг шифобаҳшилик ҳусусиятини англаб, кундалик турмушида қўллаб келишади. Узоқ умр кўрган қарияларни обиҳаёт сувини ичган одам деб ҳам атасади. Кўчманчи халқларнинг аксарияти, жумладан, Тибет, Хитой, Ҳиндистон табибларининг томирни ушлаб хасталикни аниқлашлари, оғриқларни иссиқ ва совуқ деб иккига бўлиб, иссиқ ўтганларни сув билан даволаш усуллари ҳозирга қадар халқ табобатида сақланиб қолган. Бу ўринда сувнинг дорилигига, булоқларнинг элимиз яхши билган шифобаҳшилик ҳусусияти ҳақида сўз юритамиз.

Чилла суви

Мен сизга «чилла суви» ҳақида айтиб бермоқчиман. Чилла суви деб қишининг энг совуқ пайтига тўғри келган 40 кунлик (25-декабрдан 5-февралга қадар) қиши чилласи вақтида ёққан қордан тўпланган сувни айтамиз. Бу сувни тоза, озода саклаб, ундан турли хасталикларнинг дориси сифатида фойдаланишган. Чилла сувини ҳозирги кунда ҳар қандай идишда сакласа бўлади. Масалан, қиши чилласи каби «ёз чилласи» ёки

«саратон» пайтида одамга иссиқ ўтса, у чилла суви билан ювинса бўлади. Шунингдек, ич кетганда ва йўтал тутганда ҳам у камёб дори ҳисобланади. Одамнинг танасига турли яралар чиққанда ҳам, уни кетказиш учун чилла сувидан фойдаланиш яхши натижа беради. Чилла суви дориликда қайтарма сувдан (мулла дам солган сув) ҳам кучли деб айтишади (**Макситова Гулсара, Ак-Булак қишлоғи, Баткен вилояти**).

Аждар тоққа чиққандаги сув

Кузунду қишлоғида истиқомат қиладиганлар ҳосилни тезроқ йигиб-териб олишга ҳаракат қилишади. Раҳматли холам «Аждар дарёдан кўлга тушгунча улгуришимиз керак» деб айтарди. Ўша пайтда тушунмас эдим, бу гапнинг маъносини яқинда англадим. Бу, сув юқоридан пастликка қараб музлайди дегани экан. Дунгандар декабрь ойидан бошлаб календарни тўққиз кунга бўлишади. Буни «вули жюли» дейишади. Бу вақтда дарёдаги сув юқоридан пастга қараб музлай бошлайди. Муз қалинлашгани сайин, унинг устидан сув оқавериб, тошқин хавфи пайдо бўлади. Айрим ҳолларда сув қирғоғидан тошиб, кенг майдонларни муз қоплайди. Январнинг охирида, бешинчи тўққизлик чиқа бошлагандан («ву жю») «Аждар қайта тоққа чиқади». Бу тахминан 20-январга тўғри келади. Бу пайтда олинган сув бир йил давомида бузилмай туради. Бу вақтда дарё поёнидан эриб, сув ўзаннинг тубига туша бошлайди. Йироқдан қараганда чиндан ҳам, аждар тоғ томонга аста-секин ҳаракат қилиб, музларни икки ёнига суриб кетгандай кўринади. Бу баҳорнинг бошланишидан дарак беради. Аждар тоққа чиқиб, оғзининг ҳарорати билан қор ва музларни эрита бошлайди (**Юсупов Равиль, Ырдык қишлоғи, Йысык-Көл вилояти**).

Ёмғир суви

Ёмғир суви жуда ҳам яхши хусусиятга эга. Ҳар бир томчи сув осмондан тушгунча 19 литр кўламдаги ҳавони ювиб тушади. Шунинг учун, ёмғир дастлаб ёға бошлаганди, унинг суви тоза бўлмайди, ҳаво тиниклашгандан кейин у ҳам тозаланади. Ёмғир суви юмшоқ бўлади, у билан сугорилган ўсимликлар яхши ўсади. Бош ювилса, соч ялтираб, мулоимлашади (**Умсунай Кумушова, Қорақўл шахри, Йысык-Көл вилояти**).

Шифобахш сув ва булоқлар

Мен Йысык-Көл вилояти бирлашган беморхонасининг Ак-Суу туманидаги бўлими бошчисиман. Бу ерда 1981-йилдан бошлаб болалар билан ишлайман. Ак-Суу суви шифобахшлик хусусиятига эга, 58-60 даража бўлган иссиқ сув 250-300 метр чуқурликдан чиқади. Унда Менделеев таблицасидаги элементларнинг деярли ҳаммаси учрайди. Ҳозирги пайтда ДЦП ва бошқа асаб хасталикларига учраган болаларни сув билан даволаб, яхши натижаларга эришмоқдамиз. Болалар 10 кун давомида атайин тайёрланган ванналарга 10-15 минутдан тушиб даволанишади. Беморлар вақтида даволанса, тез согайиб кетишади. Бизнигига ўхшаган шифобахш сувлар Йысык-Көл атрофидаги Жети-Өгуз, Тамга, Боз-Учак ва Оргочорда, яна бошқа жойларда учрайди,

лекин энг кучлиси Ак-Сууда (**Бейшенбаев Байиш, Ак-Суу қишлоғи, Ысық-Көл вилојати**).

Мен ўн беш ёшимда оғриб қолдим. Табиблар томиримни ушлаб, сув билан даволашди. Күл ва оёғим оғриб, Ак-Суу бошланган жойдаги Алтин-Арашанга олиб боришиганди. У ерда булоқ суви оқиб туради. Иссиқ сув ўртасида «киндик тош» бор эди. Ўша тошнинг атрофидаги сув ичидаги кумуш тангалар, тақинчоқлар бор эди. Тошни уч марта айланиб, аста-секинлик билан оёғимни сувга солиб ўтиридим. Ана шу тарзда бир ой даволанганимдан сўнг оёғимдан хасталик ариди, мен тағин юра бошладим (**Карымшакова Шаршекан, Кереге-Таш қишлоғи, Ысық-Көл вилојати**).

Ак-Суу тегарагида Бакалуу Күл деган ажойиб күл бор. Одамлар күл атрофидан ўтишаётганда, уни зиёрат қилишади. Қозоғистон билан чегарадош жойда Шордуу-Суу бор. Унинг бир фляга сувини қайнатишса, икки пақир туз чиқади. Туздан танага чиқкан яраларни даволашда фойдаланишади (**Чолпон Казакова, Кереге-Таш, Ысық-Көл вилојати**).

Чоң-Ўрикли қишлоғида иссиқ булоқлар бор. Булоқ сувлари худойимнинг бандаларига берган неъмати. Танасига яра чиққанлар, аллергияси бор одамлар келиб даволаниб кетишади. Хар йили ўша ерга бориб Қуръон тиловат қиласиз. У ердаги булоқнинг сувидан ичсангиз, ҳеч бир аъзоингиз оғримай, булоқдан булоққа бориб, тоғлардан тоғларга қийналмай ўтасиз, заррача чарчоқни сезмайсиз. У ернинг хосияти борлиги учун оёқларингиз хоримайди, оғримайди (**Шергазиева Ажар, Чоң-Оруқту қишлоғи, Ысық-Көл вилојати**,).

Тоң туманининг Төрт-Күл қишлоғига яқин ерда, икки томони тоғли дара ичидаги Кулгунга булоғи қайнаб чиқиб туради. Сувнинг муздайлигини, тозалигини айтиб адo қилиш қийин. Бизнинг ҳамқишлоқлар булоқнинг сувини олиб келиб, яра, экзема, аллергияларга қарши қўллашади. Баданингиз булоқ суви билан ювилгач, хасталиклар барҳам топади. Ёз кунлари у ердан ўтаётганлар булоқ сувидан истеъмол қилишади (**Кадыралиева Гульбара, Торт-Кол қишлоғи, Ысық-Көл вилојати**).

Кичи-Жарғылчак қишлоғида 4 катта булоқ бор, уларнинг ҳар бири ўзгача таъмга эга. Биринчисидан ичсанг, қайта ичгинг келади, иккинчиси чанқоғингни қондиради, учинчиси рух ва танангни енгиллаштиради, тўртинчиси тозалайди. Бу сувнинг ажойиб хосияти шундадир (**Осмоналиева Валентина, Каракол шаҳри, Ысық-Көл вилојати**)

Абшыр-Ата яйловининг олисдаги Кыргыя деган жойида эл оғзига тушган Дары-Булак деган булоқ бор. Булоқ қоянинг остида бўлгани учун у ерга отда боришининг иложи йўқ, фақат пиёда бориш лозим. Булоқ суви бир неча дардга даводир. Танадаги турли яраларни тузатади деб айтишади. Биз яйловга чиққанимизда, шу булоқнинг сувидан ичамиз (**Мурзабек қизи Канайым, Кулатов қишлоғи, Ош вилојати**).

Қадамжой туманинаги Кўтарма қишлоғига қарашли ердаги сой ичидаги Келте сөөт булоғи оқади. Бу булоқ суви буқоқ ва ошқозон-ичак касалликлари учун даво ҳисобланади. Булоқ суви атайнин текширилиб, унинг шифобахшлиги аниқланган. Ҳозир булоқ сувини турли жойдан келган кишилар дориллик учун олиб кетишади. Булоқ сувини эрталаб ва кечқурун бир косадан ичиб туриш керак экан (**Авазов Кожомат, Кызыл-Булак қишлоғи, Ўш вилојати**).

Баткеннинг Дара деган жойидаги Кожошкен дарёсининг бўйида Жоопая жылуу номли сув манбаи бор. 40 даражадаги илиқ сув дарё четидаги баланд тошдан чиқиб

туради. Икки киши сиғадиган бу тошда ўйиқ бор. Дарё суви күпайган чоғида тошдаги ўйиқ сув остида қолади, иссиқ сув эса бироз юқоридаги жар тубидан оқиб келади. Сув таркибида олтингүгүрт мавжуд. Бу сувдан бўйин, оёқ, тери касалликлари ва ички аъзолари хасталанган кишилар фойдаланишади (**Гаипова Назарат, Баткен шаҳри, Баткен вилояти**).

Бизнинг Киргиз-Киштак қишлоқ территориясида Умай эне санаторияси қурилган. Бу ерда Кудай Назар Бува мозори бор. Номидан маълум бўлганидай, бизнинг ер – Худо назар солған жой ҳисобланади. Бу ернинг булоғидан чиққан сув жуда кўп дардларга шифо бўлади. Ҳар йили юзлаб кишилар Умай эне санаториясида даволаниб кетишади. Булоқдан сув ичиб, сувга тушишади (**Жумаев Азим, Киргиз киштак қишлоқи, Баткен вилояти**).

Қадамжой туманининг Ўрикзор қишлоғида Сасық-Суу деган сув манбаси бор. Сув таркибида олтингүгүрт бўлгани учун унга яқинлашсангиз, сассиқ ҳид димоққа урилади. Унинг суви инсон танасидаги яраларни, тери хасталикларини даволайди, шунингдек, одамлар узумзорларни дорилашда ҳам шу сувдан фойдаланишади (**Бердиев Асан, Кизил-Кия шаҳри, Беткен вилояти**).

Баткен туманининг энг олисда жойлашган Зардали қишлоғида қоянинг остидан Шудуман иссиқ суви оқиб чиқади. Сув ўта иссиқ бўлгани учун унга тушиш қийин. Сув таркибида олтингүгүрт борлиги унинг ҳидидан сезилади. Бу сувни ичиб ва унга тушиб ошқозон, ичак, бел, қўл-оёқ, тери касалликларига даво топишади. Бундан ташқари, ўша ердаги тошларнинг орасидан иссиқ буғ чиқиб туради. Уларнинг атрофига тош териб, устини ёпиб, буғдан фойдаланиш учун ҳаракат қилишган. Сувга кирган кишилар табиий шароитда яратилган иссиқ буғни қабул қилиб, терлаб, тери, ошиқча вазн хасталиклиридан ҳалос бўлишади. Шунингдек, бу ерда Кизил-Булак ва Котир-Булак деб номланган шифобаҳш сувлар бор. Кизил-Булак сувининг таркибида темир элементи кўп бўлгани учун, унинг суви тўқ қизил тусда кўринади. У ошқозон, Котир-Булак суви эса тери хасталикларига шифо бўлади (**Айдарова Муслимкан, Баткен шаҳри, Баткен вилояти**).

Қадамжой туманининг Шоди деган қишлоғи жанубида Гўзал-Ата булоғи бор. Кўзи оғриган одамлар бориб, шифо топишади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, «гўзал» деган сўз «сулув» деган маънени билдиради. Шу билан бирга, «гўзал» деган сўз «кўз ол» деган сўздан чиқиб, «кўздан оғриқни ол» деган маъно бериши ҳам мумкин. Яна бир ривоятда айтилишича, кўзи қўрмаганлар булоқ сувининг дорилик хусусиятини, сулувлигини кўриб кетсин деган маънени ҳам билдириши мумкин эмиш (**Камбар кызы Наркан, Халмион қишлоғи, Баткен вилояти**).

Тұтқ суви Кадамжай районининг Ак-Тилек қишлоғида жойлашган. Тұтқ сувининг таъми ҳожилар олиб келган «Зам-зам» сувининг таъмига жуда ўхшайди. Шунинг учун бу сувни «Зам-зам» деб ҳам аташади. Тұтқ сувининг дорилик хусусияти бор дейишади. Асаб хасталиклари билан оғриганлар бу сувдан ичиб юрса, тузалади деган гап бор (**Асанова Каныкей, Кизил-Кия шаҳри, Беткен вилояти**).

Шоро сойи сувидан ичғанларнинг, ўша ерда яшаганларнинг умри узун бўлади, чунки Шоро сойи сувининг одамга таъсир этадиган қандайдир фойдали томони, дорилик хусусияти бор деб ўйлайман. Бизнинг қишлоғимиздан чиқаётган Лайли суви

ҳам шифобахш деган хаёлга бораман, чунки Лайлининг қадимги аҳолиси ҳам узоқ умр кўрган экан (**Толукбаева Жумагул, Лайли қишлоғи, Баткен вилояти**).

Қоратошдаги Ак-Тайлак деган мозор яқинидаги Такыр-Булак катта тошлар орасидан чиқади. Булоқнинг суви кўп дардларга шифодир. Сув ичиш учун у ерда қулагилклар яратиб қўйилган (**Пирманова Алтынай, Эски-Оочу қишлоғи, Баткен вилояти**).

Андархам қишлоғининг Жака Тыт деген еридан булоқ чиқади, суви йўталга даво. Дархум деган ерда Кырк Казан деген булоқ бор, суви танага чиққан ҳар қандай яраларни тузатади (**Ҳасанова Ҳамробу, Кайрагач қишлоғи, Баткен вилояти**).

Бизнинг қишлоқда Бурабой сойидан чиққан булоқ бор, уни танага чиққан ҳар қандай қичитқи, қўтириб каби касалликларга қарши дори сифатида қўллаб келишади (**Пирманова Алтынай, Эски-Оочу қишлоғи, Баткен вилояти**).

Алтынбешик деган жойда бир булоқ бор. Бу булоқ ўша тоғлардаги темир конидан сизиб чиққани учун сувининг ранги сариқ, ичсангиз, темирнинг таъмини беради. Сувининг шифобахшлик хусусияти бор. Қон босимини мўътадил сақлар экан. Булоқ атрофидаги тупроқ тери касалликларига шифо бўлади деб айтишади (**Усманов Талант, Эски-Оочу қишлоғи, Баткен вилояти**).

Қатран қишлоғи томондаги Ҳазрати Довуд деган жойда шифобахш булоқлар бор. Улар тери хасталикларига шифо бўлади, чунки унинг таркибида олтингугурт бор (**Холматов Райимжан, Эски-Оочу қишлоғи, Баткен вилояти**).

Лейлек туманининг Андарак қишлоғида Кулкунек деган қулоқ оғриклирига даво бўладиган булоқ бор. Унинг суви Андаракнинг бош томонидан яйловларга кетувчи йўл бўйидаги қоя тошларнинг остидан сизиб оқиб, яйлов сувига қўшилиб кетади. Кулкунек суви ҳар доим муздек ва тоза. Ўтган-кетганлар, ўша томондаги яйловларга чиққанлар булоқ бўйида Куръон ўқишиб, дуо қилишиб, унга танга ташлашади. Яхши ният билан тани-сиҳатлик сўрашади, булоқнинг сувига юз-қўлларини ювиб, уни идишларда олиб кетишади. Сув қулоқ оғриғига шифо бўлади (**Хидирова Чолпонай, Сұлуктұ шаҳри, Баткен вилояти**).

Менинг билганим шуки, Козу-Баглан дарёсидан қишининг чилласида олинган сув одамнинг саломатлиги учун жуда фойдали. Чунки дарё суви олисдан оқиб келгунча тошдан-тошга урилиб, пишиб бораверади. Шунинг учун унинг дорилик хусусияти бор (**Аҳмедов Абдумажит, Эски-Оочу қишлоғи, Баткен облусу**).

Саволлар:

- Сиз яшаётган қишлоқда шифобахшлик хусусияти мавжуд бўлган булоқлар борми?
- Нима учун баъзи сувлар шифобахш бўлиб қолади?

Сув чиқариш усуллари ва сувдан унумли фойдаланиш

Ай, жонивор, оққан сув,
Оқмай қўйсанг бир кунга,
Оқмай қўйсанг оғриниб,
Қадрингга етмаганлар
Қолар эди чирқиллаб!
Хурмат қилмай юрганлар
Ойдай йироқ бўлсанг ҳам,
Сени ўғирлаб олганга
Турап эди ялиниб.
Қўлидаги дунёсин
Берар эди эланиб!..
Лек сен бундай эмассан,
Қайнаб ётган ғазнасан,
Хизматдасан эрта-кеч.
Қадимги замонлардан
Зарур бўлиб келгансан.

Балли, раҳмат, оққан сув!
Мавж уриб, тошиб оқавер,
Ер юзини айланиб,
Турмуш ўтин ёқа бер!..
Чўққиларни ошууда
Тежалгандир аккан суу.
Етти кун, бир тун айтсан ҳам,
Тугамаган оққан сув.
Оққан, оққан, оққан сув,
Омонат жонга ёққан сув.
Ҳамма гуноҳ қилганни,
Билиб турган оққан сув.

Женижсок, Аккан Сүу

Ўлкамиз сувга ўта бой бўлгани билан, айрим бир туманларда сувнинг етиши маслиги сезилади. Маҳаллий аҳоли сувни сақлаши ва ундан унумли фойдаланишининг ўйларини ўзлаштириб олган. Бунга қудук қазиши, ҳовуз қуриши ва боз-роғларни томчилатиб сугории киради. Уибу бўлимда ана шулар ҳақида сўз юритамиз.

Қудук қазиш сирлари

Сувнинг оз бўлиши муҳим муаммога айланган жойларда қудук қазиб, ер ости сувидан фойдаланишади. Сув ҳар қайси ерда турлича чуқурликдан чиқади. Масалан, Төө-Моюн қишлоғида қудук суви 22-23 метр чуқурликдан чиқади. Бироқ ичишга яроқли сув 26 метр чуқурликдан чиқади, уни қазувчилар ҳар метри учун 1200 сомдан олишади. Сув кўрингач, тағин қўшимча 2-4 метр чуқурлик қазилади. Бунинг сабаби, йилнинг март, апрель ойларида ер устида сувнинг қўлами озайгани учун, ер остидаги сув ҳам сизиб, озайиб қолади. Қўшимча қазилган ерга сув йиғилиб, насослар ёрдамида тортиб олинади. Қудукни қайси ердан қазиш кераклигини билиш зарур. Бунинг учун биз икки алюмин симни қўлимизга олиб, симнинг бир учини ерга тегизиб босамиз. Сув чиқадиган жойга келганда сим бир-бирига ўралиб ёки яқинлашиб қолади. Демак, шу ердан қудук қазиш мумкин. Болалар тушиб кетмаслиги учун қудук атрофи бетон билан ўралиб, усти ёпилади. Қанчалик чуқурдан чиқса, сув ҳам ўшанчалик тоза бўлади. Ўрта ҳисоб билан Төө-Моюн ерларида қудук қазишга 40 минг сом сарфланади (**Абдикаримов Давранбек, Ленин қишлоғи, Ош вилояти**).

Илгари қудукнинг сувини эъзозлаб, унинг шифобахшлик хосияти бор деб ишонишган. Менинг бобом Кубандан келган, у қудукларга ном бериб, уларга бағишилаб қўшиқлар айтарди. Қудук суви ер қатламларидан ўтиб, тозаланиб келади. Бироқ ҳозир қудукдан чиқсан сувнинг ҳаммасини ҳам фойдали деб бўлмайди. Ер ости сувларининг

булғаниши сабабли саломатликка заар өтиб қолиши мүмкін (**Петр Тарасов, Каракол шаҳри**).

Қудук қазиши асбоб-анжомлари

Қудук темир чўкич, белкурак, лом кабилар билан қазилади. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида, қазувчи бошига каска, эгнига маҳсус кийимларни кийиб олади. Энг аввало, ер бир метр кенглиқда айланы қилиб қазилади. Ҳар бир ярим метрда оёқ қўйиш учун, айлананинг икки четидан чукурча ўйилади. Бу қудуққа чиқиб-тушишда қулайлик яратади. Қудуқдан чиққан тупроқни чиқариб олиш учун челак ва арқон керак бўлади. Тупроқ солинган челакни юқорида турган киши арқон ёрдамида тортиб олади. Ер юмшоқ бўлса, 2-3 киши қудуқни бир ҳафтада қазиб битказиши мүмкін. Қудук куз, қиши ёки эрта баҳорда қазилади, бироқ ҳар доим ҳам ундан сув чиқавермайди. Қудуқнинг кўзи очилмай қолиши мүмкін. Бунинг учун тағин 1-2 метр чуқурлик қазиши керак бўлади. Бундай ҳолат кўпинча эрта ёзда кўп бўлади. Қудук суви дарё сувидан фарқ қиласди. Ер остидан чиқаётгани учун ҳам унинг суви шўрроқ, таъми бироз ўзгачароқ бўлади. Қазилган қудуқдан қишида илиқ, ёзда муздек сув чиқади. Одамлар қудук сувини насослар орқали тортиб олиб, экинларини суғоришади. Қудук сувини кўлда тортиб олиш қийин, лекин шундай қилган кишилар ҳам бор. Қудук сув етишмайдиган жойларда қазилади. Одамлар қудуқдан чиққан сувни истеъмол қилишади, дов-дарахтларини, экинларини суғоришади. Кўп ҳолларда сув электр орқали тортилгани учун, бу ишни узоқ давом эттириш қийин кечади, чунки электр токи қимматга тушади (**Максиров Замирбек, Қыргыз-Кыштак қишлоғи, Баткен вилояти**)

Абиз, авиз, ҳовуз

Авиз – форс тилидан кириб келган «ҳовуз» сўзининг қирғиз тилида айтилишиди. Бошқача айтганда, ҳовуз – ясалма кўл. Ҳовузларнинг чуқурлиги 1-1,5 метр, эни 5-8 метрни тузади. Ҳовуз қазилгач, унга сув киргизишиб, болаларга кечтиришади. Бундан мақсад – балчиқлатиш. Туби балчиқ бўлгандан кейингина ҳовузда сув узоқ муддат сакланади, йўқса, у ерга сингиб кетиши мүмкін. Кўп ҳолларда ҳовузга буғдой сочиб қўйилади. Буғдой илдизлари сувнинг ерга сингиб кетиши олдини олади. Ҳовузнинг атрофига тол экиб қўйилади. Унинг илдизлари ҳам сувни сақлайди, сояси эса сувнинг буғланишини озайтиради. Ҳовузга тўлдирилган сув дастлаб лойқа бўлса-да, бирор кун ўтиб тинади. Ҳаво салқин бўлган кунлари ҳовуз суви 10 кунгача айнимай туради. Иссиқ кунлари ҳар ҳафта ҳовуз сувини янгилаб туриш лозим бўлади. Көк-Талаа қишлоғининг аҳолиси қадимдан Исфайрам дарёсидан оққан каналдан сув ичиб келган, лекин қишлоқ устидан Ўзбекистон чегара симларини тортгач, бизнинг элга Қирғизистон каналидан сув берилмай қолди, шунинг учун, сув муаммоси кун тартибида турибди. Қишлоқда анча илгаридан бери 3 та эски ҳовуз бор. Бирини менинг қайнотам Куйчиев Сулайман қазиган. Келин бўлиб борганимдан кейин ҳовузнинг зарурлигини билиб олдим. Бугунги кунда қишлоқдаги ҳовузлар сони 7-8 тага етди, чунки ариқда сув қуриб қолса, ҳовуздан фойдаланамиз. Иккинчидан, ҳовузнинг

үйимизга яқинлиги мен учун қулайлик туғдиради. Учинчидан, ариқдаги сув лойка бўлса ҳам, ҳовуз суви тиник бўлади. Бироқ анча муддат сув кирмай қолса, унинг суви бузилиб, қуртлаб ҳам кетиши мумкин (**Мадумарова Малоҳат, Қек-Талаа қишлоғи, Баткен вилояти**).

Кыргыз-Кыштак қишлоғида 6000 киши истиқомат қилади. Сув оз бўлгани учун сувни кўп талаб қиласиган экинларни деярли экмаймиз. Қишлоқ устидан Ўзбекистонга ўтган канал бор. Унга Соҳ дарёсидан сув келади. Бу каналдан бизнинг қишлоққа ҳам сув бўлинади. Баҳор ва ёз ойларида сув 3 ёки 4 кун оқади. Бир-икки ҳафта сув келмай қолиши мумкин. Шунинг учун бизнинг қишлоқдаги ҳар бир уйда қудук бор. Шу билан бирга, ҳовузлар ҳам қурилган. Уларга сув тўлдириб олишади. Биз томонларда аксарият ҳолларда, ҳовузлар тўрт бурчак қилиб қазилади. Атрофига тол экилган ҳовузларнинг эни 7-8 метр бўлса, чуқурлиги 5-5 метрни ташкил этади. Сувни янгилаб туриш учун ва тўлдириш учун ҳовузга 1-2 кун тинмай сув оқизилиб қўйилиши керак. Ҳовузнинг бир томонидан сув кирса, иккинчи томонидан чиқиб туриши керак, ўшандада сув тоза туради. Ҳовуз суви 2-3 ҳафта сақланади (**Султанов Жамбыл, Қыргыз-Кыштак қишлоғи, Баткен вилояти**).

Усти ёпиқ ҳовуз

Қирғизистон сарҳади яқинидаги Жабаги қишлоғида 5-6 йилдан бери сув муаммоси мухим бўлиб келмоқда. Мен анъанавийларидан фарқ қиласиган усти ёпиқ ҳовуз қазидим. У бизнинг оиласизни сув билан таъминлаб келмоқда. Бундай ҳовузлар 2 метр чуқурликда, эни 4 метр, тўрт бурчак қилиб қазилади. Бунинг учун бир тонна цемент, 1 машина шағал, 100 метр арматура зарур бўлади. Чуқурлик қазилганидан кейин, унинг тубига арматура ёки темир сим ётқизилиб, бетон қуйилади. Шунингдек, чуқурликнинг тўрт томони ҳам цемент қилинади. Бошқа ҳовузлардан фарқли ўлароқ, бизнинг ҳовуз устига монолит қуйилади, шунингдек, ҳовуз ичига бир киши тушиб, уни вақти-вақти билан тозалаб туриши учун очиқ жой қўйилади. Сув кирадиган ва чиқадиган жойлар ажратилади. Сув навбати билан алмаштириб турилади. Бундай ҳовузда 15 тонна сув сақланади, кирган сув 3 кунда тиниб, булоқ сувидай топ-тоза бўлади. Ҳовузнинг ичи кенг, усти ёпиқ бўлгани учун ҳам, унинг суви муздек сақланади. Ёзда сув буғланиб, озайиб кетмайди, қишида музлаб қолмайди. Бундай ҳовуз сувининг таъми ҳам ширин бўлади. Қишлоқдаги ҳовузларнинг суви 5-6 кунда бузила бошласа, усти ёпиқ ҳовузнинг суви 3-4 ой турса ҳам айнимайди (**Усманов Назир, Жабагы қишлоғи, Баткен вилояти**).

Кўзадаги сувга бақа солиб қўйилса, сув тоза сақланади

Қадим-қадимдан сувни покиза сақлашнинг турли усуслари қўлланиб келинмоқда. Менинг билишимча, ҳозирга қадар гилдан ясалган қумғон, кўза, сопол идишлардаги сувга бақа солиб қўйишади. Бундай усулда сақланган сув ёзнинг иссиқ кунларида ҳам муздек ва тоза бўлади (**Куйчиев Асат, Кызыл-Кыя шахри, Баткен вилояти**).

Ачиған сут (ёки айрон) билан сувни тозалаш

Далада ишга чиққанда ариқнинг суви лойқа бўлса, уни ичиб бўлмайди. Ота-онам билан далага ачиған сут ёки айрон олиб борардик. Бу айронни ичмай, лойқа сувни тозалаш учун қўллардик. Оқиб турган лойқа сувга айрон қўшиб, бироз муддат тиндириб қўярдик. Шунда лойқа айрон билан аралашиб, идиш тубига чўккач, устидаги тоза сувни истеъмол қилиб, bemalol чанқоғимизни қондирардик (**Мафқуева Фатима, Ырдық қишлоғи, Йысык-Көл вилояти**).

Томчилатиб суғориш

Сув оз бўлган жойларда томчилатиб суғориш усулини қўллай бошлишди. Бунинг учун труба тортилиб, ҳар бир ўсимлик ёнидан ўтган трубани тешиб қўйишади. Сув очилган пайтда бу тешикчалардан томчилаган сув ўсимликнинг илдизига етиб боради. 10 сотиқ ерга 100 метр труба кетади. Томчилатиб суғориш туфайли ўсимлик яхши ўсади, харажатлар озаяди, бундан ташқари, майдонларда ортиқча ўт униб чиқмайди, ер қатқалоқ бўлиб қолмайди. Труба йўқ бўлса, елим бутилкаларнинг ёрдамида ҳам ўсимликларни томчилатиб суғорса бўлади. Бунинг учун 1-2 литрлик елим бутилкаларга сув қуиб, остини тешиб, уни кўчатнинг остига қўямиз. Томчилаган сув ҳаво иссиқ бўлган кунларда кўчатнинг сувсизликдан қуриб қолишининг олдини олади (**Эгембердиев Кенешбек, Көк-Талаа қишлоғи, Баткен вилояти**).

Қишки суғориш ёки яхоб

Қишки суғориш ёки яхоб қишининг чилласида дов-дараҳтларни суғориш усулидир. Айrim қиши пайтларида ёки эрта кўкламда кун тез илий бошласа, дов-дараҳтлар муддатидан аввалроқ гуллаб, куртак чиқариши хавфи пайдо бўлади. Яхоб суви ерни узоқроқ муддат совуқ ҳолда сақлайди, баҳорги совуқлар ўтиб кетгач, дараҳтлар кечроқ гулга киради. Шу билан бирга, яхоб суви кўчат остидаги қурт ва қумурсқаларни ўлдиради ва эрта кўкламда тупроқнинг етилишини таъминлайди (**Мадумарова Букатыча, Көк-Талаа қишлоғи, Баткен вилояти**).

Сув олманинг узоқроқ сақланишини таъминлайди

Агар олмадан иборат боғингиз бўлса, унинг мевасини баҳорга қадар сақлашни ният қилсангиз, қуидаги тажрибамдан фойдаланишингиз мумкин. Масалан, мен биринчидан, олма сақлаш учун атайин хона курганман. Хона салқин ва қоронги, олма териладиган махсус токчалари бор. Уйнинг ичидан ариқ ўтказганман, сув бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқиб туради. Кузда узилган олмаларни токчаларга тизиб қуямиз. Кузда ҳаво салқин, қишида совуқ бўлгани учун олма сақловчи жойга ёзда сув қуяман. Йўқса, кун исиб, олманинг суви қочиб, тириша бошлайди. Ариқдаги сув хонанинг нам ҳолатда туришини, яъни ҳавонинг салқинлигини таъминлайди. Бошқача айтганда, бу музлатгич вазифасини бажаради. Бундан ташқари, хонада ҳавонинг алмашинуви яхши бўлиши керак. Мен атайлаб хонага ҳаво сўрғич қўйдирганман. Оқибатда, ҳаво алмашиб туради. Сув эса буғланиб, олманинг тиришиб

қолишига йўл бермайди, мева яхши сақланади (**Камалов Абдықадыр Ражабалиевич, Т. Кулатов қишлоғи, Баткен вилояти**)

Ипак сифатига сувнинг таъсири

Ипак қуртини 30 йилдан бери боқиб келамиз. Бу ўта нозик ва қийин иш. Қурт боқиши учун маҳсус хоналарга ердан ярим, бир метр баландликда сўкичак (ёғоч тахталардан) қурилади. Хонага печка ўрнатилиб, унга ўт ёқилади. Ҳарорат иссиқ бўлиши лозим. Сўкичакнинг юзига қофозларни ёйиб, қуртларга тут барглари солинади. Ипак қурти 0,5 см.дан бошлаб, 7-10 см.гача улғаяди. Қуртлар уч марта ухлаб туради, 2 марта даҳага киради, булар кичик ва катта даҳалар дейилади. Агар тут сув бўйида ўсган бўлса, ипак қурти баргга тез тўяди ва тез улғаяди. Биринчи уйқусига қадар баргни этакда териб, чопки билан майдалаб, қирқиб берамиз. Иккинчи уйқудан тургач, баргларни новдадан ажратиб, қуртларнинг устига сочиб қўямиз. Кичик даҳа, учинчи даҳадан кейин тут новдаларини болта билан кесиб келиб, узунроқ ҳолида солаверамиз. Ипак қурти тўйиб, улғайиб, ялтирай бошлайди. Ошиқча тўйиб кетса, думалаб сўкичакдан ерга тушиб кетиб, ўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун қуртни ортиқча тўйдириш заарли бўлади, яъни қуртлар пилла ўрамай қолади. Борди-ю, тўймаса ҳам, пилла ўрамайди. Шунинг учун қурт боқишида ўта эҳтиёт бўлиш керак. Катта даҳадан кейин тўйган қуртлар оғзидан ипак чиқара бошлайди. Мана шу пайтда уларни «кўмиш» керак. Бунинг учун қуртнинг устига тут баргларини қўйиб, устидан сарик гул, ғўзапоя, тут новдалари қават-қават ташланади. Қурт пиллани 15 кунда ўраб бўлади. Бу жараён қурт бостириш, кўмиш деб аталади. Ушбу пайтдан бошлаб, сўкичакнинг остига тинмай сув сепиб турилади ёки матони ҳўллаб, сўкичак остига солиб, алмаштириб турилади. Хона намлиги мўътадил бўлса, пилла оғир ва сифатли бўлади (**Мадумарова Мутабар, Жабагы қишлоғи, Баткен вилояти**).

Шоли – сув ўсимлиги

Баткен вилоятининг Қадамжой туманидаги Ак-Турпак, Кыргыз-Кыштақ, Ак-Калпак қишлоқлари аҳолиси асосан шоли ўстириб, тириклик қиласди. Бу ўсимлик сувни ўта кўп талаб қиласди. Аввал ерда кичик бўлакчалар қилинади. Пол (шоли экишга лойиклаштирилган кичик ер бўлаги) шахмат шаклида бўлади. Шоли май ойининг боши, апрель ойининг охирларида экилади. Биринчи галда полларга сувни тўлдириб, яхшилаб лойқалатиб олинади. Ундан кейин уруғ сепилади. Тағин балчиқ қилиниб, оёқ билан кечиб чиқилади. Икки кунда пол сувга тўлдирилади, муҳими, шолизор сувсиз қолмаслиги зарур. Гурунчнинг 1500 га яқин тури бор. Баткен шолиси 90-120 кунда пишиб етилади. Шоли пишгунига қадар сувни узмаслик керак.

Шолини озиқлантириш учун 3 марта минерал ўғит солинади:

1. Бир қарич бўлганда, бўйини ўстириш учун.
2. Бегона ўтлардан тозалаш учун.
3. Дони бўлиқ бўлиши учун.

Шоли пишиб етилгач, ўроқ билан ўриб, дони ажратилади. Кейин тегирмонда торттирилиб, гурунчи ажратиб олинади (**Мансуров Замирбек, Кыргыз-Кыштак қишлоғи, Баткен вилояты**).

Оқова сувларни тозаловчи биокүллар

Кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишлатилган оқова сувларни биокүллар қуриш билан тозалаш мумкин. Ерни айтайлаб қазиб, биокүллар бунёд этилади. Бу күлларда яшаган микроорганизмларни ифлосланган сув билан «озиқлантириб», сувни қайта ишлатиш учун ҳаракат қилинади. Сувни тозаловчи бактериялар тез кўпаяди ва тоза сувлардан уларни осонгина ажратиб олиш мумкин. Шунинг учун биокүллар сувини ортиқча харажатсиз ва кимиёвий элементларсиз тозалаш мумкин. Бу Қирғизистон учун жуда қулай усул ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимиз қишлоқлари ва шаҳарлари учун уч этапли күллар тўғри келади: биринчisi, анаэробик (кислород талаб қилмайдиган микроорганизмлар), иккинчisi, аэробик (кислород талаб қиладиган микроорганизмлар), учинчisi, сув йиғувчи (сувни тиндириш учун) күллар. Тозаланган сув билан дала экинлари ва боғларни суғориш мумкин. Сувни биокүлларда тозалаш табиий оқадиган ва ер остидаги сувларнинг булғаниши олдини олиб, шу билан бирга, сув бойликларини асраш учун имкон яратади (**Куйчиев Асат, Қызыл-Қыя шаҳри, Баткен вилояти**).

Хавфли дарё

Козубаглан дарёсини «қонли дарё» деб ҳам атashади. Вақт-вақти билан дарё суви кўпайиб, қонсираб қолар экан. Ўшанда одамларни, мол-ҳолларни оқизиб кетгани гувоҳи бўламиз. Бундай кезларда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Бизнинг одамлар дарё қонсиради деб мол сўйиб, қон чиқазиб туришади (**Шакирова Айгул, Эски-Оочу қишлоғи, Баткен вилояти**).

Сувни хор қилган, кўр бўлади

Козубаглан дарёси йироқдан оқиб келиб, Катран, Коргон, Андархам, Бешкент ва Кайрагач қишлоқларидан ўтади. Афсуски, қишлоқларимиз аҳолисининг аксарияти молхона ва ҳожатхоналарни дарёга яқин жойларга қуриб қўйишиган. Кир-чирларини ҳам, машиналарини ҳам дарё соҳилида ювишяпти, Мол-ҳолларини ҳам қирғоқда боқишиади. Бу ҳолда дарёмиз суви ифлосланади, юқумли хасталиклар пайдо бўлади. Сувни булғаш осмонга тупуришдай гап. Бунинг олдини олмасак, ўзимизга зарари тегади (**Холматов Райимжан, Кайрагач қишлоғи, Баткен вилояти**).

Халқ орасида «Сув етти думаласа, тоза бўлади» деган гап бор, лекин ҳозир сув юз марта думаласа ҳам тозаланмайди. Сувда кўзга кўринадигангина эмас, кўзга кўринмас химиявий чиқиндилар бор. Сув қишлоқдан ўтгунча унга оқова сувлар, дехқонлар даласида қўллаган минерал ўғитлар, гербицидлар қўшилади. Шундай сув билан боғдаги дов-дараҳтларни суғорсак, улар касаллана бошлайди (**Баратов Зордун, Ырдык қишлоғи, Йысык-Көл вилояти**).

Юқумли хасталикларнинг аксарияти чорва молларидан юқади. Чунки бизнинг ўзимиз молларнинг гўнгларини сувга яқин ерга ташляяпмиз, подани сув келадиган ариқлар бўйида боқяпмиз, бу эса охир-оқибат, ўзимизга зиён келтирияпти. Шунинг учун бизнинг бу кунги энг муҳим муаммоларимиздан бири тоза сув масаласи бўлиб турибди (**Камолова Сайёра, Бешкент қишлоғи, Баткен вилояти**).

Қир ва адирларимизда дов-дараҳт, ўсимларнинг озайиб кетиши сел келишига сабаб бўлмоқда. Чунки ўсимликлар илдизи ерга чуқур кириб, сел йўлини тўсиб, тупроқни ушлаб туради. Ҳозир эса ёмғир ёғса, дарров сел келадиган бўлиб қолди. Бунинг ҳаммаси табиатга нотўғри муносабатда бўлаётганимиз оқибатидир (**Момунов Абдибасыт, Эски- Оочу қишлоғи, Баткен вилояти**).

Саволлар:

- Сиз яшаётган қишлоқда сув етарлими ёки сувнинг танқислиги сезиладими?
- Сувни узоқ муддат сақлаш ва оқова сувларни тозалашнинг қандай усувларини биласиз?
- Бугунги кунда елим идишларга сув, мой ва яна бошқа суюқликлар қўйилиб сотилмоқда. Атроф ана шундай бўшаган елим идишларга тўлиб кетган. Бу бўш идишлардан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?
- Сиз қандай ўсимликларни парвариш қилишни биласиз? Парвариш шартларини ёзинг. Дехқонларнинг меҳнатини қандай баҳолайсиз? Бу борада мuloҳаза юритинг.
- Нима сабабдан сувни «тилсиз ёв» дейишади?

Сув учун зиддиятлар

Эл яйловга қўнгандা,
Эртароқ ичсам деган
Икки оға-инини
Уриштирган оққан сув.
Юрган ерин гуллатиб,
Иш бажарган оққан сув.
Навбат менга келмас деб,
Қўшни бўлган одамни
Уриштирган оққан сув...
Юртга юклаб бўлмаган,
Ёнида одам бўлмаса,

Яқин кўриб чўллаган.
Ариқларни боғласа,
Фойдаси бор оққан сув.
Яшаб турса тугамас,
Булоғи бор оққан сув.
Жонли билан жонсизга
Хаёт ўтин ёндирган,
Хийласи бор оққан сув!

Жеңижок, Аккан суу

Биз яшаган жойда энг ташвишли нарса сув ҳисобланади. Ёз ойларида сув келиши жуда ҳам қийин. Чунки кўчанинг пастки қисмида 16 та уй бўлса, юқори томонида 30 та уй бор. Биргина трубадан сув ичамиз. Уруш, жанжалларнинг ҳаммаси мана шу сув туфайли юзага келади (**Тороева Динара, Бешкент қишлоғи, Баткен вилояти**).

Мен қишлоқ бошлиғи бўлганим учун, кўпроқ сув талашганлар ишини текшириб турман. Кўни-қўшнилар орасида сув талашишлар бўлиб туради. Бизда Махсум ариғи бор, уни айрим пайтларда сел ювиг кетади. Бундай пайтларда элнинг тушунмаслиги оқибатида, сув талашиш бўлиб туради. Қўшни Тожикистон билан сув жанжали йўқ. Селларнинг келиши ер унумдорлигини бузмоқда. Бунинг устига, аҳолимизнинг аксарияти сувларни тутиб турадиган бута ва дараҳтларни кесиб кетаётгани учун ҳам, селнинг зарари кўпроқ бўлмоқда (**Полотов Асан, Эски- Оочу қишлоғи, Баткен вилояти**).

Мен истиқомат қилаётган ерга сувнинг келиши ўта қийин. Одамларда ҳеч ҳам инсоф қолмади. Менинг сув қўйиш муҳлатим тугамаган бўлса ҳам, сувни ўз ҳовлисига буриб оладиганлар бисёр. Мен сувни боғлаб келгунимча, тағин кимдир уни ўз экинига буриб олади. Бориб, сувни қайтадан боғлаб келгунимча, анча вақт ўтади. Бу орада менинг учун ажратилган вақт тугаб қолади. Бундай ахволга чидамай, насос сотиб олиб, ишлатяпман. Ҳозир мен учун сув муаммоси анча енгиллашди (**Атакишиев Мирзарахмат, Бешкент қишлоғи, Баткен вилояти**).

Саволлар:

- Сиз яшаётган қишлоқда сув етишмаслиги оқибатида жанжаллар бўлиб турадими? Бор бўлса, бу муаммо қандай ҳал этилмоқда?
- Сув муаммоси туфайли келиб чиқаётган зиддиятларнинг олдини қандай олиш мумкин?

Ривоятлар

Үз борлиғин йүқотмай,
Хатто кичик томчисин
Маҳкам тутган оққан сув.
Курбонликка танасин
Бериб келган оққан сув.
Оёги йүқ, құли йүқ,
Тұхтай деган ўйи йүқ,
Юриб келган оққан сув.
Борадиган ерига,
Кирадиган гүрига
Кулиб келган оққан сув.
Денгизингни сўйлаган,
Олишмоғин қўймаган,
Арслон бошли, бурунли,
Қаноти бор учганга,

Бу ёлғончи дунёни
Гайрати бор ютганга,
Олтмиш қулоч, беш бошли
Аждарингни дағи бор.
Ёруғ қилиб тунларни,
Қулоғининг остида
Ёниб турган шами бор.
Кўп сирларни яширган,
Буқадайин балиғи
Кўкни кўзлаб отилган,
Ярқиратиб тун ичин
Қайта сувга яшринган.

Женижсок, Аккан сув

Бола булоқ

Баткен вилоятининг Баткен туманидаги Сай қишлоғида «Бала булак» булоғи бор. Ривоят қилишларича, рус подшолиги ўз ҳокимиятини ўрната бошлаган йилларда, муллалар қувғинга учрай бошлаган. Кожом исмли мулла ўз аёли билан тоққа қочиб кетган экан. Мулланинг ортидан қувган отряд туну кун излаганига қарамай, уларни тополмайди, сўнгра қидирудвни тўхтатишади. Орадан бир неча йиллар ўтади. Кожом аёли билан узоқ йиллар яшаса ҳам, фарзандли бўлмайди. Худога зорланиб бола беришини сўрайди. Кунларнинг бирида фарзандсизлик доғида қайғуриб, ўзига ўхшаган фарзандсизларга худо бола берсин деган ўйда қоя остида ўтириб, дуо ўқиб, булоқ қазибди. Уни Бола булоқ деб аташибди. Одамлар худодан фарзанд сўраб, ўша булоққа бориб, яхши ният қила бошлашибди. Ёш қизлар ва йигитлар ҳам ўзларига баҳт сўраб, булоққа танга ташлаб уни зиёрат қилиб келишади (**Шергазиев Өмур, Сай қишлоғи, Баткен вилояти**).

Бир йилда уч кун оққан дарё

Бир замонлар бизнинг Лангар қишлоғимизда номи оламни тутган Эшон номли мулла яшаган экан. У кезларда бойлар устунлик қилиб турган экан. Эшон бобо ўзининг шогирдлари билан даъват учун Алайга борибди. Ўша кунлари Алайнинг энг катта бойларидан бири тўй қилаётганини эшитишиб, улар ҳам тўйга боришибди. Бой Эшон бобо ҳақида кўп нарсани эшитган бўлса ҳам, унинг кучига ишонмай юрган экан. Тўй эгаси бўлмиш бой Эшон бобога «Мен уч кун тўй қиласман, мана шу уч кун ичиди манави ердан дарё оқизиб бер», - дебди. Эрталаб қарашса, чиндан ҳам ўша ердан дарё окиб турган эмиш. Бобонинг кучини ўз кўзи билан кўрган бой бола-чақаси, молмуркини ташлаб, Эшон бобога шогирд тушиб, уйидан чиқиб кетибди. Бой Эшон

бобога «Мен сиздан бу дарёни уч кун эмас, доимий оқиб турсин , деб сўрасам бўлар экан», - дебди. Ўшандада Эшон бобо «Сен менинг қанча кучимни сарфлаб, умримнинг неча йилини қисқартирганимни билсанг эди», - деган экан. Чунки Эшон бобо жуда кучли дуоларни ўқиб, ўз кучидан ажраб, умрини қисқартирган экан. Бой тўй қилган жойда ҳозирга қадар бир йилда уч кун дарё оқар эмиш (**Үсөн кызы Бурулкан, Лангар қишлоғи, Баткен вилояти**).

Қишлоқнинг Алиш деб аталиши

Алиш қишлоғи Исфайрам дарёсининг бошида жойлашгани учун, қўшни қишлоқлар аҳолиси ҳам шу ердан сув олишади. Шунинг учун, сув тақсим қилинган ер Алиш деб аталиб қолинган экан. Ҳозир ҳам дарё сувини тақсимловчи ишхона мавжуд. Үч-Коргон қишлоғи, Кызыл-Кыянинг айрым ерлари, Кара-Дөбө, Марказ, Көк-Талаа қишлоғи ва Ўзбекистоннинг айрим ерларига шу ердан сув тақсимланади (**Сулайман кызы Айгерим, Алыш қишлоғи, Баткен вилояти**).

Ак-Булак қишлоғи

Қадимги замонда бир чол билан кампир яшаган экан. Улар кўп йиллар фарзанд кўрмай, қариб қолган пайтларида болали бўлишибди. Аёл гўдакни туғиб, вафот этибди. Чол боласини нима билан тўйдиришни билмай, суви оппоқ сутга ўхшаган булоқ ёнига олиб борибди. Чол ўша булоқдан чиққан сут билан боласини боқиб улғайтирибди. Шу сабабдан, ҳозирга қадар бу қишлоқнинг номи Ак-Булак деб аталади (**Имарова Бузайнап, Кызыл-Кыя шахри, Баткен вилояти**).

Исфайрам дарёси

Исфайрам дарёси қишин-ёзин чўққиларидан қор ва муз кетмаган Тегирмеч яйловидаги кўл ва булоқларнинг тоза сувларидан пайдо бўлиб, Қирғизистондаги қишлоқ ва шаҳарларнигина эмас, балки Ўзбекистон ерларини ҳам сув билан таъминлайди. Исфайрам дарёси номи тўғрисида бир неча ривоятлар бор. Уларнинг бирида айтилишича, бир-бирига муҳаббат қўйган Иса ва Марям исмли йигит ва қизнинг номидан дарё номи ҳосил бўлган эмиш. Тегирмеч яйловида яшаган икки уруғнинг бир-бирига душманлиги оқибатида, ошиғига етмай қолган Марям ўзини сувга ташлабди. Шундан буён Иса ва Марям исмлари бирикиб, дарё номи Исфайрам деб аталган эмиш. Иккинчи ривоятда айтилишича, пайғамбар қилиб юборилган Исо алайҳиссалом отасиз туғилган экан. Ўша пайтлари ҳомиладор Марям халқнинг гап-сўзидан қўрқиб, бир чеккага бориб ўғли Исони туғмоқчи бўлади. Ўшандада Марям Исони бизнинг ерларга келиб тукқан дейишади, лекин гўдакни ювинтиришга сув топилмабди. Аллоҳнинг каромати билан йиғлаб ётган боланинг товони остидан булоқ чиқибди. Дарё шу ердан бошлангани учун Исфайрам деб аталган эмиш. Яна бир ривоятда айтилишича, бир замонлар Исфайрам дарёсининг яқинидан Исо пайғамбар ўтган эмиш. Шу куни бу ернинг одамлари пайғамбарнинг келганини байрам қилиб,

хурмати учун дарёга унинг номини беришибди. Бироқ ҳозирги кунга келиб, дарё номи Исфайрам деб аталиб қолибди (**Кадыров Азиз, Өл-Алыш қишлоғи, Баткен вилояти**).

Сув бўйида ўстган мажнунтол баёни

Қадим замонларда мажнунтол дараҳт эмас, ақлли, сулув қиз бўлган экан. Кунларнинг бирида қиз яшаган қишлоққа душман бостириб кирибди. Душман элни қириб, одамларни бир чеккадан чопиб ташлай бошлабди. Жумладан, сулув қизнинг ота-онаси ва яқинлари ҳам душман қиличидан ҳалок бўлишибди. Тун чоғида қиз душмандан қочиб, дарё ёқасига келиб қолибди. Дарёдан кечиб ўтишнинг имкони йўқ эмиш. Қиз ноилож қолиб, тиззасига қадар дарё ичига кириб, мени омон сақлагин деб, дарёга, унинг соҳилида ўстган толга ялинибди. Қиз соchlарини ёйибди. Бир пайт қарс этган овоз эшитилибди, бу белидан синиб тушган толнинг овози экан. Тол сувга қулабди, дарё уни оқизибди. Қиз эса мажнунтолга айланибди. Шунинг учун, мажнунтол қиз каби сулув бўлиб, новдалари сувга сочдай солиниб турар экан. Вафот этган ота-онаси, қариндошларини унотолмаган қиз мажнунтолга айланиб, сув бўйида ўсаётган эмиш (**Раймжанова Муслимахон, Уч-Коргон қишлоғи, Баткент вилояти**).

Мик қўрғонининг сири – сувда

Ўзбекистоннинг Фарғона туманига қарашли Бегимжон-Добо қишлоғида катта қўрғоннинг харобалари ҳозирга қадар сақланиб турибди. Бу қишлоқда қирғизлар истиқомат қилишади. Мик қўрғони ҳақида эл орасида кенг тарқалган бир ривоят мавжуд. Жунгар ва қалмоқлар даврида Мик исмли подшо ўз элини душманлардан сақлаш учун қўрғон қурдирган экан. Қўргон девори ўта кенг бўлиб, устида икки арава сиғади деган гаплар бор. Подшо қалья ташқарисидаги қишлоқларни қўриқлаш учун қўрғон қуриб, уларга соқчиларни жойлаштирибди. Соқчилар душман хавфи сезилган заҳоти ўт ёкиб, қишлоқдагиларга хабар беришар экан. Бу деворларнинг харобалари бугунга қадар Кадамжай туманидаги Кара-Дебе, Ўзбекистоннинг Фарғона туманидаги Зар-Дебе, Бегимжан-Дебе, Кувасай қишлоқларида сақланиб турибди. Мик қўрғони ичидаги шаҳарча жуда мустаҳкам қурилган экан. Душман уни қўлга киргиза олмай, қирғинга учрайди. Шаҳарни эгаллашнинг яширин сирини билиш учун бир кампирни қўлга олишади. Кампир Микнинг Бегимжон исмли суюкли аёлига кўп нарсалар беришни ваъда қилиб, қўрғонни эгаллашнинг сирини билиб олади. Маълум бўлишича, шаҳарга ер остидан қувур орқали олисдаги Исфайрам дарёсидан сув келтирилар экан. Исфайрам дарёсининг бошидан сомон оқизилса, шаҳарга сув олиб бориладиган қувурнинг бошини билиб олиш мумкин бўларкан. Қувур боши беркитилса, шаҳар аҳлининг сувсиз қолиши турган гап. Душман қувурнинг кўзини Исфайрамнинг қирғогидаги ҳозирги Алиш қишлоғидан топиб, қўрғонни сувсиз қолдиради. Мик қўрғони дарвозаси очилиб, аскарлар душман билан қаттиқ жанг қилади. Бироқ кучлар тенг бўлмагани учун, шаҳар душман томонидан истило қилинади. Душман қўргонни эгаллаганидан кейин, аёлдан подшо Микнинг унга қилган ғамхўрликлари ҳақида сўрайди. Маълум бўлишича, подшо аёлни қирқ қават юмшоқ тўшак устига ўтқизиб, ҳар куни қирқ қўйни сўйдириб, илик ёғига ош дамлатиб берар экан. Бу жавобни

эшитган душман шохи ўз элини, ерини сотган аёл менга ҳам хиёнат қилиши мүмкін деб, уни бир бияга боғлатиб, ортидан иккі айғирни қўйиб юборибди. Ҳозирги Қадамжой туманидаги тоғли аймоқнинг Тамаша қишлоғи ўшандан буён шундай аталган экан. Чунки айнан шу ерда ҳалқ сотқин аёлнинг жазоланишини томоша қилган экан. Айғирлар иккі томонга айрилган ер Айрибаз деб аталган дейишади (**Акимбаева Тазагул, Қызыл-Қыя шаҳри, Баткен вилояти**).

Бант суви

Қадамжой туманинг Кароол қишлоғи устидаги иккі тоғнинг ўртасидан сув чиқиб, тошларнинг орасидан ўтиб, катта ариқ бўлиб оқиб келади. Суви жуда тиник ва муздек. Бу ернинг салқин ҳавоси одамнинг кўнглини яшнатиб, ям-яшил ўт-ўланларнинг ҳиди, сайроқи қушларнинг овози ҳар қандай кишига роҳат бағишлиайди. Майдан, Кароол қишлоғидаги одамлар экин-тикинлари учун ўша ердаги кўлнинг сувидан фойдаланишади. Кўл ўзанинг Шаймерден томони Суу-Баши, сўл томони эса, Бант деб номланади. Бант сойининг боши авваллари Киндик-Суу деб аталган дейишади. Бунинг сабаби, одам танасидаги киндикдай бўлган жойдан қишин-ёзин сув чиқиб туради. Бант сувининг дорилик хусусияти бор деган ақидада, ундан фойдаланиб келишган. Улуғ кишиларнинг айтишига қараганда, Аллоҳнинг бизга берган бу азиз сувини турли дардларга шифо бўлгани учун ғоят қадрлаш лозим. Бант сувини араб мамлакатларида ҳам яхши билишади. Ҳажга борган қирғизистонликлардан Бант сувидан ичганмисиз деб сўрашади. Хосиятли Бант сувини ичиш орзусида юрган одамларнинг кўплигини маҳаллий аҳоли яхши билади.

Улуғ тоққа чиққан борми?
Улар сўзин уққан борми?
Бантнинг сувин ичган борми?
Бу дунёдан армонсиз ўтган борми?

Шифолик хусусияти мавжуд бўлган сувнинг «Бант» деб аталиб қолиши тўғрисида бир неча ривоятлар бор.

Айтишларича, Шоҳ Машраб Исфайрам дараси орқали Қашқарга бораётуб, бу булоқ сувидан ичиб ёнидаги сафардошларига шундай деган экан: «Дунё кезиб, бундай таъмли сув ичмадим, бу ерни ташлаб кета олмаяпман, чунки бу сув мени ўзига тортиб турибди». Сўнгра у ҳамроҳларига сувнинг боши қаерда эканлигини ациклаб келишни буюради. Сувнинг боши булоқ эканини эшитган улуғ зот «Топдим!» деб қичқириб юборади. Ҳамроҳлари ҳайрон бўлиб, ундан нимани топганини сўрашади. Шоҳ Машраб «Мен мангу оби-ҳаёт суви томган булоқни топдим», деб жавоб берибди. Шундай қилиб бу улуғ зот анчагача бу ердан кетолмай қолади. Бир неча ойлардан кейингина у Қашқарга бўлган сафарини давом эттиради. Ўша воқеадан кейин бу булоқ фақат Фарғона водийси аҳолисининг эмас, балки жами мусулмонларнинг зиёрат қиласиган булоғи бўлиб келмоқда.

Иккинчи ривоятда айтилишича, Жаброил алайҳиссалом одамларга оби-ҳаёт сувини ичириш учун ерга тушади. Оби-ҳаёт суви солинган идишни дарахтга илиб, ўзи

одамларни излаб кетганида, бир қора қарға идишни синдиради. Сув бир дарахтнинг илдизига сингиб кетади. Дараҳт остидаги бутага тушган сувнинг бир томчиси буғланиб кетади, бир томчиси эса, ўша ерда оқиб турган булоққа тушади. Бир томчи сувни эса қарға ичишга улгуради. Остига сув тўкилган дараҳт арчадир. Шунинг учун, қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб, узоқ йиллар яшнаб тураверади. Қарға жуда узоқ умр қўради. Бир томчи сув томган булоқ эса Бант булоғи экан. Эҳтимол, Бант булоғи чиққан Кароол қишлоғи аҳолисининг узоқ умр қўриши сабаби ҳам шундадир.

«Бант» сўзи форс тилида «азиз», «қимматли», «табаррук» каби маъноларни билдиради. Бант булоғи суви тоза ва тиник бўлибгина қолмасдан, инсон организмини ҳар қандай хасталиклардан ҳалос этади. Сув таркибида суюкни мустаҳкамловчи кальций кўплиги аниқланган (**Мадумарова Малоҳат, Кадамжай тумани, Көк-Талаа қишлоғи, 1973-й.**)

Ҷырык-Көл ривояти

Қадим-қадим замонларда Йысык-Көлнинг ўрнида катта шаҳар бўлган экан. Унда ой деса ойдай, кун деса кундай сулув ва ақлли бир қиз яшаган экан. Уни Улан ва Санташ исмли икки ботир йигит ёқтириб қолибди. Иккиси қизни талашиб, яккана-якка курашга чиқибди. Бир-бири билан жанг қилган икки йигит ҳам ҳалок бўлибди. «Икки йигитнинг уволига қолдим», - деб сулув қиз тун-кун йиғлайверибди. Бора-бора қизнинг кўз ёшидан Иссиққўл пайдо бўлибди. Шу сабабдан кўлнинг суви шўр, лекин тиник экан. Улан билан Санташ эса шамолга айланиб, шу кунга қадар кўлни талашиб, бир-бири билан олишиб юрармиш. Шу воқеа туфайли кўл Йысык-Көл деб аталадиган бўлибди (**Ақматов Нурбек, Каракол шаҳри, Йысык-Көл вилояти**).

Коқуй-Көл ҳамда Жыргалацнинг аталиши

Коқуй-Көл Жети-Өгуз туманидаги Ак-Дебе қишлоғида жойлашан. Унинг узунлиги 500 метр, эни 300 метр келади. Бу кўлнинг Коқуй-Көл деб аталиши тўғрисида бир неча ривоят мавжуд. Бир замонлар кўлнинг теварагида аҳоли яшаган экан. Кунларнинг бирида, бир келин гўдак боласи билан кўл қирғоғига кир ювгани бориб, қўлидаги чақалоғини туйқусдан кўлга тушириб юборган экан. Кўл чуқур бўлгани учун сувга кира олмаган аёл боласининг доғида «Коқуй! Коқуй-Көл! Коқуй-Көл!» - деб йиғлаган экан. Шу ҳодисадан кейин бу кўл Коқуй-Көл деб аталибди.

Бошқа бир ривоятда айтилишича, оти хуркиб кетган бир отлиғ киши кўлга қулаб тушиб «Коқуй-Көл!» деб қичқирган экан.

Учинчи ривоятда шундай воқеа келтирилади: бир чол ва кампирнинг Токтобек исмли ёлғиз ўғли бўлган экан. Токтобек ўйнаб юриб, отаси кўлда балиқ тутаётган тўрга илиниб қолибди. Ота-онаси болани излашибди, лекин кўлга тўр солганларини унтишибди. Ўғлини излаган чол ва кампир қаттиқ йиғлаб, ўрдак бўлиб осмонга учиб кетишибди. Шундан буён ўрдаклар «Токтобек, коқуй!» - деб учишар эмиш. Кўл номи Коқуй-Көл деб аталибди.

Қадим замонда Жыргалаңга бир нотаниш одам келган экан. Бу ернинг кўлида балиғи, кирғоғида ўтини, тоғида қушлари кўп экан. Кейин бошқалар «Қандай ер экан?»

- деб сўрашса, ҳалиги одам «Жиргал ер экан», - деб жавоб берибди. Бошқа ривоятда айтилишича, эл йиғилиб, «Бу ер тўқиз булоқнинг жойи экан, кўлнинг номини қандай атаймиз?» - деб бир-бирига маслаҳат солибди. Шунда донишманд кишилардан бири «Жыргалаң деб атанглар, бу ерда олтин бор, бу ерда истиқомат қилувчилар хор бўлмай, яхши яшайдилар», - дебди. Бошқа бир ривоятда айтилишича, Жыргалаң қалмоқ тилида «осойишта оққан сув» деган маънени билдиради. Яна бир ривоятда шундай воқеа келтирилади: бир пайтлар Жуматой номли овчи қария яшаган экан. У Кус-Чегир лақабли бургутини йилқининг гўшти билан бокар экан. Қария кунларнинг бирида бургутини қушларга солибди. Куу-Чегир учиб юрган қушларнинг ҳаммасини ўлдира бошлабди. Кейин Көл-Бел тоғига учиб кетиб, қайтиб келмайди. Халқ 5 кун давомида Куу-Чегирнинг човутида ўлган қушларни йиғибди. Шу кундан бошлаб одамлар Тасма тоғидан Түргенгөча жойдаги тўқай ов учун кулай бўлгани учун Жыргалаң деб аташибди (**Акматов Нурбек, Каракол шаҳри, Йысык-Көл вилояти**).

Икки коса сув

Қадимги замонда бутун дунёга танилган бир ҳукмдор яшаган экан. У қаерга борса, ўзининг бойлиги, хазинаси билан бошқаларга мактанаар экан. Ҳукмдорнинг ёлғиз бир ақлли вазири бўлган экан. Кунларнинг бирида у вазирини чақириб, «Сен қўп юртларни кўрган вазирсан, донишмандсан, сенга ишонаман. Одамлар ўз ҳукмдори ва унинг аскарларининг соғ-саломат, кучли, номусли бўлишини истайди. Ўшанда халқ тиз чўкиб, оғзингдан чиқсан сўзга қулоқ тутади. Ҳозир сенинг фикринг билан қизиқяпман, айт, менинг ҳукмдорлигим ва бойлигим тўғрисида қандай фикрдасан?» - деб сўрабди. Вазир жавоб ўрнига ҳукмдорга савол берибди: «Ҳукмдорим, дейлик, сиз жуда иссиқ, поёнсиз чўлда юрибсиз, бироқ ичгани сув йўқ, сиз эса ҳолдан тойиб, ҳаддан ташқари чанқаб турибсиз. Шундай пайтда бойлигингизнинг ярмини бир коса сувга алмашармидингиз?» Ҳукмдор ўйланиб туриб: «Ҳа, алмашган бўлардим», - дейди. Вазир тағин унга «Борди-ю, чанқоғингиз қонмаса, бойлигингизнинг қолган ярмини ҳам берармидингиз?» - деб савол беради. Шунда ҳукмдор «Албатта, яшаш учун, тирик қолишим учун бойлигимнинг қолган ярмини ҳам берардим», - дейди. Вазири «Кўрдингизми, ҳукмдорим, сизнинг бор бойлигингиз икки коса сувга тенг экан», деб жилмайиб жавоб берибди (**Айдакеева Нурзада, Георгиевка қишлоғи, Йысык-Көл вилояти**)

Козубаглан дарёси

Кўпчиликка маълум бир ривоятга кўра, қадим замонларда Козубаглан исмли бир йигит бўлган экан. У бир қизни севиб қолибди. Йигит ва қиз ҳар доим дарё соҳилида учрашиб туришар экан. Иккисининг турмуш қуришига қариндош-уруғлари қаршилик қилгани учун қиз ўзини сувга ташлабди. Уни қутқармоқчи бўлган йигит ҳам ўзини сувга отибди. Бироқ иккиси ҳам дарёга чўкиб кетишибди. Шу воқеадан кейин дарё номи Козубаглан деб аталган дейишади. (**Шакирова Айгўл, Эски-Оочу қишлоғи, Баткен вилояти**).

Аввалги замонларда Хитой, Хиндистон томонларда бир подшонинг ёлғиз бир қизи бўлган экан. Қиз ўта ақлли, соҳибжамол экан, лекин у номаълум бир касалликка чалинибди. Подшо ҳамма юртларга чопар юбориб, табибларни чақиртирибди, лекин улар қанчалик уринмасин, қизнинг дардига шифо топилмабди. Подшо кундан-кунга оғирлашиб бораётган қизини даволаган кишига истаганча олтин беришини айтибди. У хузурига келган ўзга юртларнинг савдогарлари, саёҳатчиларига ушбу гапларни дунё табибларига етказишни сўрабди. Шундан сўнг оламнинг турли бурчидан табиблар, ҳакимлар келиб, қизни кўришибди, лекин улар ҳам хасталикка шифо топишолмабди. Шундай қунларнинг бирида Ипак йўли орқали бизнинг Лейлек қишлоғимиздан ўтиб, Самарқандга қатнаб юрган, қўпни кўрган, донишманд бир қария хон хузурига келибди. У шундай дебди: «Хоним, олисдаги тоғли юртда оппоқ чўққилардаги қор ва музликлардан бошланган, тошдан-тошга урилиб қайнаб-пишган, хосиятли Козубаглан деган дарё оқади. Ўша дарёнинг суви кўп хасталикларга шифо бўлади деб эшитиб юрганман, унинг сувидан ичса, қизингиз хасталиқдан халос бўлса, ажаб эмас». Бу сўзни эшитган подшо Козубаглан дарёсини топишни буорибди. Авваллари бизнинг қишлоққа келган савдогарлар ўз юртига дарё сувидан олиб кетишар экан. Хоннинг буйруғи билан яқин орада Козубаглан дарёси сувидан олиб келган савдогарларни излашибди. Бироқ бирор савдогарда ҳам сув топилмабди. Хон сув олиб келиш учун одам юборай деса, қизининг ахволи кун эмас, соат сайин оғирлашиб бораётган эмиш. Шунда ҳалиги донишманд қария «Агар Козубаглан дарёсининг суви топилмаса, ўша дарёни кечиб ўтиб келган отнинг туёғини сувга чайиб, уни қизингга ичириб кўргин», - дебди. Бу сўзни эшитиб хоннинг жаҳли чиқса ҳам, лекин чолнинг айтганларини бажаришга мажбур бўлибди. Козубаглан дарёсини кечиб ўтган отни топтириб, унинг туёғини сувга чайиб ичиргач, тўшакда ётиб қолган қизининг юзига қон югуриб, ўзига кела бошлабди. Икки-уч марта сув ичиришгач, қизнинг соғлиғи бутунлай яхшиланибди. Шу кундан бошлаб, Козубаглан дарёсининг хосиятли суви ҳамма жойда ҳам қадрланиб келинади (**Аслонова Тўхтажан, Бешкент қишлоғ, Баткен вилояти**).

Тағин бир ривоятга кўра, хон навкарларини юбориб, Козубагланнинг сувини олдириб келиб, қизига ичиради, лекин бунинг ҳеч қандай фойдаси сезилмайди. Жаҳлланган хон ҳалиги донишманд чолни чақиртириб, сувнинг фойдаси сезилмаётганини айтади. Донишманд эса, қизингиз ўзи бориб, ўз қўли билан ичсин, деган гапни айтади. Хон қизини дарё соҳилига олиб келади. Сув ичгани келган қиз шу ерда кўй-кўзиларини боқиб юрган бир чўпон йигитни яхши кўриб қолибди. Қиз дарё қирғоғига келиб, сувдан ичгани сайин дардларидан халос бўла бошлабди. Шунда хоннинг жаҳли чиқиб «Нима учун сув олиб келиб ичирсан, тузалмай, ўзи бориб ичса, яхши бўлиб боряпти?» - дебди. Донишманд шундай дебди: «Хоним, сиз қизингизни олтин қафасга солиб кўйган эдингиз, қизингиз эса эркинликни истарди, бунинг устига, у бирорни севиб қолди. Қизнинг дардига тоза ҳаво, тоза сув ва покиза муҳаббат сабаб бўлди». Шундан кундан бошлаб, дарёнинг номи Козубаглан бўлган дейишади (**Камилова Гулнара, Лайлы қишлоғи, Баткен вилояти**).

Маҳаллий аҳоли Козубаглан кўзи бокилган ёки кўзи боғланган жой деган сўзлардан келиб чиққанини айтади. Дарё бошидаги яйловларда қўй-кўзилар кўп боқилган. Бунинг устига, аввалги замонларда халқ дарё бошига чиқиб, кўй-кўзиларни

сўйиб, қурбонлик қилишган. Эҳтимол, шунинг учун дарё номи Козубаглан бўлиб қолгандир (**Атакишиев Мирзараҳмат, Бешкент қишлоғи, Баткен вилояти**).

Козубаглан дарёсининг тағин бошқача – Кожобакирган деган номи ҳам бор. Ривоятга кўра, қишлоқ аҳли сувдан қийналган замонларда бу ерда бир улуғ хўжа яшаган экан. У эшонлардан бўлиб, юрт ичидаги катта хурматга сазовор экан. Ана шу эшон сойга бориб, ҳассаси билан ерни урса, сув чиқибди. Бора-бора дарё кўпайиб, хўжани оқизиб кетибди. Хўжа элни ёрдамга чақириб, бақирган экан. Шундан дарёнинг номи Кожобакирган бўлиб қолган (**Камалов Садриддин, Бешкент қишлоғи, Баткен вилояти**).

Абшыр-Ата суви

Афсоналарга кўра, Идрис пайғамбар намоз ўкиш, 30 кун рўза тутиш ва Ислом динидаги бошқа таълимотларни тарқатиш учун Абшир тоғларига келган экан. Аллоҳ тарафидан одамларни Ислом динига жалб этиш учун буйруқ олганини айтса, унинг гапини тинглаганлар худо шунчалик зўр бўлса, каромат кўрсат дейишибди. Йиғилганлар қоядан сут чиқариб бергин дейишибди. Идрис пайғамбар Аллоҳдан нима қиласин деб сўраса, қўлингдаги ҳасссанг билан қояни бир-икки урсанг, сут чиқади деган жавобни эшлишибди. Идрис пайғамбар эртасига одамларни тўплаб, қояга таёгини урган экан, ундан сут чиқибди. Сут бир неча йил оқибди, лекин айрим ёмон ниятли одамлар сутдан тўғри фойдаланишмабди. Шундай кишилар сутга юзини ювганидан кейин сут сувга айланиб кетибди. Шунингдек, баъзи аёллар болаларининг кийим-кечагини сутга чайқашган экан, у сувга айланиб қолибди, деган гаплар ҳам бор. Бу ривоят худо томонидан берилган неъматга шукронга айтиш кераклиги тўғрисида, сутни увол қилмаслик ҳақида бизга сабоқ бўлиши керак. Сувнинг қадрига етиб, ундан тежаб-тергаб фойдаланишни ўрганишимиз зарур (**Камалов Абдықадыр, Кызыл-Қыя, Баткен вилояти**).

Канжар-Булак

Канжар-Булак бизнинг Қадамжойнинг Кара-Даңги деган тоғида жойлашган. Ҳазрати Али ўз яқинлари билан сафардан қайтаётib, шу ерда дам олган экан. Қиличини ерга суқса, ўша ердан сув чиқибди. Шундан буён бу ерни Канжар-Булак деб аташар экан. Бошқа бир ривоятда айтилишича, қадимги замонда Канжар бобо ўзининг ханжари билан худодан тўрт кечаю, тўрт кундуз сув сўраб, ёлворибди. Охирги куни ханжарини ерга суқкан экан, булоқ пайдо бўлиб, ундан сув чиқа бошлабди. Бу булоқ сувини ҳозирги пайтда чорвани, боғ-дараҳтларни, ўсимликларни сугориш учун ишлатишади, бироқ унинг сувига кир ювишмайди, булғашмайди, тоза тутишади. Ёз фаслида кўпчилик бу булоқни зиёрат қилиб туради (**Матаипова Эркинай, Марказ қишлоғи, Баткен вилояти**).

Шор-Булак

Қадамжой туманига қарашли Советский шаҳарчасининг Калпи-Ата деган жойида Шор-Булак булоғи бор. Булоқнинг шундай тарихи бор: қадим замонларда бир-бирини севган йигит ва қиз бўлган экан. Лекин уларнинг турмуш қуришига ота-онаси, қариндошлари қаршилик кўрсатишибди. Шунинг учун, йигит билан қиз қишлоқдан қочиб, баланд тоққа чиқиб кетишибди. Уларнинг ортидан қувиб келаётгандар йигитга ўқ отишади, у қоядан қулаб ҳалок бўлади. Қиз ўша ерда ўтириб, қаттиқ йиғлай бошлайди. Қизнинг кўз ёшидан булоқ пайдо бўлибди, уни Шор-Булак деб аташибди (**Рысбай қызы Муқадас, Қызыл-Қыя шахри, Баткен вилояти**).

Пидап суви ёки Сасық-Булак

Қадамжой туманидаги Кыргыз-Кыштак қишлоғининг аввалги Ак калпак, ҳозирги Өрүк-Зар қишлоғининг устида Пидап номли булоқ бор. Сувнинг таркибида олтингугурт мавжуд бўлгани учун, унинг ҳидига қараб, сассиқ сув деб аташади. Сув ҳар қандай тери касалликлари, тошма, яраларга, чипқонларга шифо бўлади. Танага чиқкан яраларни булоқ суви билан ювиш керак. Маҳаллий аҳоли булоқнинг сувини дори сифатида ишлатади. Булоқнинг Пидап деб аталиши сабаби қуйидагича, чор Россияси Фарғона водийсини эгаллагач, бу қишлоқка ўзининг аскарларини жойлаштиради. Рус аскарлари кўтирип касаллигига учрайди. Шунда В. В. Пидов фамилияли биолог-химик олим оқ подшонинг бўйруғи билан келиб, элдан сўраб-сuriштириб, Сасық-Булакни топади. Одамлар унга бу сувдан ичган молларнинг касалликка учрамаслигини айтишади. Олим булоқнинг дорилик хусусиятини аниқлаб, шу ерда медпункт очтириб, аскарларни даволайди. Кейинроқ медпунктни сел олиб кетибди. Булоқ эса, олимнинг номи билан Пидапнинг (Пидов) булоғи деб аталиб қолибди (**Азим қызы Жаннат, Кыргыз-Кыштак қишлоғи, Баткен вилояти**).

Агача-Булак

Агача булоқ Сұлұқту шахрининг Кош-Булак қишлоқ ҳукуматига қарашли Таң-Атар деган еридан чиқади. Одамларнинг айтишига қараганда, Агача Чапқылдық уруғидан чиққан, эл орасида машҳур бўлган олий насабли инсон ҳисобланмиш Жаныбекнинг қариндоши экан. У ўзининг ақли, зийраклиги ва моҳирлиги билан танилган қизлардан бири экан. Унинг овозасини эшитган Кызылаяқ уругининг бийларидан бири қизга уйланиб, катта тантана билан тўй қилиб, Таң-Атарга қўчириб келган экан. Агача кўчиб келган қишлоқ аҳолиси 5-6 чақирим узоқликдаги Кош-Булакдан сув ташиб келиб, турмуш кечираркан. Эртадан-кечгача сув ташиб Агачанинг ҳам зиммасига тушибди. Одамларнинг сув туфайли чеккан азобларини кўрган Агача Аллоҳга ва Жаныбек оғасига сув яқинроқ жойда бўлса, эл бунчалик азоб чекмай, мол-ҳолга ҳам яхши бўларди деб айтибди. Кунларнинг бирида ухлаб қолган Агачанинг тушига оғаси Жаныбек кириб, «Агача, ўрнингдан туриб, осмондаги булутнинг сояси тушган ерни қазисанг, сув чиқади», - дебди. Урчук йигириб, чарчаб ухлаб қолган Агача

чүчиб уйғонибди. Қараса, чиндан ҳам яқындаги бир жойга осмондаги тоғдай булутнинг сояси тушиб турган эмиш. Күрган тушини икки-уч одамга айтиб, уни текшириб күрмоқчи бўлибди. Агача қўлидаги урчуғининг учи билан ерни бир-икки марта ўйган экан, муздек сув чиқибди. Ўшандан буён ҳозирга қадар булоқдан сув чиқиб, Қызылаяк уруғигина эмас, балки Кош-Булак қишлоғи хукуматига қарашли ерларда турмуш кечираётган жами элга фойда келтирмоқда. Халқ бу булоқнинг номига Агача номини қўшиб айтади. Агача вафот этиб, булоқнинг жануб томонидаги ерга жасади қўйилгач, катта қабристон пайдо бўлибди. Ҳозир унинг атрофи сим билан тўсилиб, довдараҳтлар экилган. Аллоҳ Агача-Булакни ўзининг сўйган бандалари учун яратган дейишади. Бу ерда яшаганлар ҳам, қишлоғга тушган молчилар ҳам, булоқни ўта эҳтиёт қилишади. Ҳар йили унинг кўзини тозалаб, молларнинг ичиши учун сув новларини ўрнатиб қўйишади (**Хидирова Чолпонай, Сұлұқту шахри, Баткен вилояти**).

Зулпучач булоги

Лейлек туманининг Ак-Суу айил хукуматига қарашли Кара-Кемер (Үңқур) қишлоғининг жанубий томонидаги тоғ чўққисидан қишин-ёзин ўзгармай, ям-яшил бўлиб, қизнинг ўрилган сочидай кўм-кўк ўсимликлар осилиб тушиб туради. Бу ўрилган соч каби ўтлар ҳақида Ак-Сууда бир неча ривоятлар айтилади. Анча қадим замонларда Кара-Кемер қишлоғида Малик исмли ақлли бир йигит яшаган экан. У оиласини боқиш учун ҳар кимнинг юмушини бажариб, кун кечирар экан. Ўша қишлоқда у билан бирга улғайган Зулпучач исмли ойдай чиройли қиз ҳам бор экан. Йигит билан қизнинг бўйи етгач, иккисининг ўртасида муҳаббат пайдо бўлиб, оила қурмоқчи бўлишади. Бироқ Маликнинг тўйни ўтказиш учун маблағи етмай, қалин пули тўплаш учун ҳаракатга тушади. Кунларнинг бирида қишлоқда яшаган бой отини сугориш учун булоқ ёнига келиб, челяқда сув олаётган Зулпучачни кўриб қолибди. Кизнинг сулувлиги ва хушбичимлигини кўрган бой унга уйланишни хаёлидан ўтказиб, ота-онасига совчи юборибди. Катта бойнинг қаҳридан қўрккан ота-онаси ёлғиз қизини унга беришга рози бўлишибди. Бой сулув қизга уйланаётганидан ўта қувониб, тўй учун ҳозирлик кўра бошлабди. Зулпучач бу хабарни эшитиб, қайғуга ботиб, ошиқ йигит Маликка воқеани айтади. Икки ёш бойдан қутулиш йўлини излаб, бу ердан қочиб кетишини ният қилишади. Тўй белгиланган қун келгач, йигит билан қиз шартлашгандаридай, қочиб кетадилар. Ёшларнинг бу ишидан хабардор бўлган бой уларнинг ортидан одамларини юборади. Йигит ва қиз бойнинг йигитларидан қочиб кета олмасликка кўзлари етиб, қишлоқ четидаги қоя ёнида тўхташади. Ортларида қувиб келаётган йигитлар, олдиларида эса қояга дуч келиб, иккиси Яратганга ёлвориб, қувғиндан кутқаришни сўрай бошлайдилар. Қувган йигитлар етиб келишганида, йигит билан қиз қоя остидаги горга кириб яширинишади. Ҳудонинг қудрати билан тошдан эшик очилиб, ғор оғзи ёпилиб қолади. Тош ёпилаётганда, Зулпучачнинг бир ўрим сочи ва кумуш тангали тўғноғичи ташқарида қолиб кетади. Кутилмаган воқеани кўрган бой эс-хушини йиғиб, йигитлари билан ортига қараб қочади. Ўша ўрим сочи ва тўғноғич қишин-ёзин сарғаймай, кўм-кўк ўт-майсага айланган. Гордаги тош ичига қамалиб қолган

икки ёшнинг армонли кўз ёшлари булоқ бўлиб, яшил ўтлар устидан тинимсиз оқиб туради. Булоқнинг Зулпунач деб аталиши сабаби шундай (**Хидирова Чолпонай, Сұлұқты шахри, Баткен вилояти**).

Кара-Булак

Кара-Булак қишлоғидаги катта булоқ ёнида кўп йиллик бир чинор ўсади. Ривоятларда айтилишича, қадим замонларда бу жойлар бир томчи ҳам сув топилмайдиган, ўт-ўлан ўсмайдиган чўл бўлган экан. Одамлар сувсизликдан қийналиб, оғир турмуш кечиришар экан. Ёзинг қуёшли кунларида бир қария олис сафардан қайтаётиб, чарчаб-хориб қум устида ўтирибди. Кўзасидаги сувни ичиб, йўлга тушмоқчи бўлган экан, сув тасодифан тўкилиб, кумга жуда тез сингиб кетибди. Бояқиши чолнинг томоғи қақраб, ҳассасига таяниб зўрга ўрнидан тургач, йўлга тушибди. Бироқ кўп юра олмай, ҳассасини ерга қадаб ўтириб қолибди. Худонинг қудрати билан, таёқ қадалган жойда кичик булоқ пайдо бўлибди. Қария ўз кўзига ишонмай, обдон қувонибди. Бора-бора милтиллаган сув кўпайиб, катта оқимга айланибди. Сув чиқкан жойга чинор кўчатини экишибди. Шу кундан бошлаб, халқ булоқ сувидан ичиб, боғ-роғлар кўкартирибди. Чинор эса жуда улкан дарахтга айланибди. Ҳозир ҳам одамлар чинор остига келиб, сув чиқкан жойни зиёрат қилиб туришади (**Козубай қизи Динара, Кара-Булак қишлоғи, Баткен вилояти**).

Жин мажюр

Дунган халқ эртакларида сувнинг сехрли хосияти кўп айтилади. «Жин мажюр» эртагида айтилишича, бир етим бола чўлда уч дона ошқовоқ уруғини экиб, уларни ҳар куни сугориб туради. Бир ҳафтанинг ичида ошқовоқнинг ичи олтинга тўлиб қолади. Бундай ривоятлар «ўлик» ва «тирик» сув ҳақида ҳам айтилади. «Ўлик» сув билан яраларни ювиб, даволашса, «тирик» сув билан яхши қаҳрамонларни тирилтиришади. Эртакнинг кўпи ёлғон бўлиши мумкин, лекин унинг яхши томонлари ҳам бор. «Ўлик» сув деб аталганининг сабаби, унинг таркибида микробларни ўлдирадиган химиявий элементлар бор. Янги музнинг эришидан ҳосил бўлган сув эса «тирик» дейилади (**Сейтахунова Хадия, Ырдык қишлоғи, Йысык-Көл вилояти**).

Саволлар:

- Сизнинг қишлоқдан қандай булоқ ва дарёлар оқади? Улар нега шундай аталиб қолган?

Мақол ва нақллар

Хар бир халқыннан донишмандлыги мақол ва нақлларда инъикос этади, Мақол ва нақллар ўзининг чуқур мазмунга эгалиги, аниқлиги билан сўзнинг қадрини билганларни ҳайратга солиб келади. Сиз сув тўғрисида қандай мақол биласиз?

1-машк. Дўстингиз ёки дугонангиз билан сув тўғрисида навбати билан мақол айтиб кўринг. Ким кўпроқ мақол билади?

2-машк. Қуйида турли халқларнинг сув тўғрисидаги мақолларини келтиридик. Уларга маъноси яқин бўлган қирғизча мақоллар борми?

«Ма хэди жин фи, нагэ фи ма хэ негэ фи жын нын хэ» – от тоза ердангина сув ичади, демак уни одам ичса ҳам бўлади.

«Фи фан чи лон дажэ жинли» - сув етти тўлқиндан ўтганда тоза бўлади.

Мақол ва нақлларнинг тизмаси

Сувимни тўкма, аъмолимни сўкма.
Сув ўзига йўл топади.
Ўт билан сувдан қўрқ, у тилсиз ёв.
Сув тозалайди, нон тўйдиради.
Эл боши бўлма, сув боши бўл.
Ичар сувга тупурма.
Ёмғир билан ер кўкарап, дуо билан эл кўкарап.
Ёмғир ўзини сел деб ўйлайди, қудук ўзини кўл деб ўйлайди.
Оқар сувда ҳаром йўқ.
Сувчи чакирса, бормайман дема,
Сувга оққан муллани ушлайман дема.
Сув – умр булоғи.
Сув одамнинг жони, ўсимликнинг қони.
Сув бўйнинг ва ўйнинг кирини кетказади.
Сув юрган ўзан қуримайди.
Сувсиз ариқдан қўл юва олмайсан.
Сувга қонса, экиннинг дони тўлиқ бўлади.
Сувни қадрлаган зўр бўлар,
Сувни хўрлаган кўр бўлар.
Сувга яқин – Худога яқин.
Сув билан жон бошланади, сув билан жон тугайди.
Сув бошидан бузилади.
Сув – ернинг қони, ер – дехқоннинг жони.
Ўт ўйнасанг куясан, сув ўйнасанг чўкасан.
Бир киши ариқ қазиса, минг киши сув ичади.
Ота – ўчмас чироқ, эна – тинмас булоқ.
Одамзотни сўз бузар, тоғу тошни сел бузар.
Бирор кечарга кечув топмай юрса, бирор ичарга сув топмай юради.
От бошига иш тушса, оғзидағи билан сув ичади,
Эр бошига иш тушса, этиги билан сув кечар.
Етти кунлик ёмғирдан елиб ўтган сув афзал.
Сув нимани келтирмайди, сув нимани кечирмайди.
Сувда балиқ битади, эрга туёқ битади.
Суви кетса тош қолар, сурма кетса қош қолар.
Сувнинг ҳам сўроғи бор.
Сув қирқ ариқда оқса тозаради.
Сув кўрмай, этигинги ечма.
Сув бор жойда хаёт бор.
Сув бошидан тинади.

Сувга чўккан одам ўлади, қайғуга чўккан одам кўнади.
Сувдан олиб, сувга қуиди – бўзачининг нимаси кетди?
Сув сепиб пиширилган кигиз сувдан ҳам, совуқдан ҳам сақлайди.
Сувдан тўнини аямаган, ёвдан жонин аяmas.
Сув – ерга, бойлик – элга.
Сув кечмас сўзни айтмаган яхши. (Сув кечмаган сўзнинг не кераги бор?)
Сув билан ер кўкарап, эл билан эр кўкарап.
Сув мўл бўлса, нон ҳам мўл.
Сувни кўп қечса балчиқ бўлади, сўзни кўп сўзласа тантиқ бўлади.
Сувнинг қадрини жар билмас, йўқнинг қадрини бор билмас.
Сувнинг ирими, кексанинг ирими ёмон.
Сувни чим тўхтатади, сўзни чин тўхтатади.
Сувсаганга қимиз бер, сўраганга қўшиб бер.
Сувсаганга сув ҳам тотли кўринади.
Сув пастга оқар, ботир ер талашар.
Сувчининг ажали – сувдан, мерганнинг ажали – тоғдан, ботирнинг ажали – ёвдан.
Сув эркинликни сужди.
Сув отаси – булоқ, сўз отаси – қулоқ, йўл отаси – туёқ.
Сувдан ўтгунча энамни берайин, сувдан ўтгандан кейин этигимни ечайин.
Сувчининг оти сувда ўлар.
Сув, сув деган билан чанқоғинг қонмас.
Сувсаганга қора сув майдан яхши.
Сувники – сувга, сойники – сойга, бойники – бойга, бекники – бекка.
Сувнинг кучи – томчидан.
Сувга чўксанг балиқقا фойда, қайғуга ботсанг душманга фойда.
Сув оқа берар, тош ёта берар.
Сув оқиб турмаса, ерни ўт босар.
Сув бўлмаса тушум йўқ, сув бўлмаса турмуш йўқ.
Сув балиқсиз бўлмас, кун нурсиз бўлмас.
Сув ҳам Тангримнинг қўлидан битган.
Сув – ернинг қон томири.
Сув билан ўчган ўт қайта ёнмас.
Сув тортилади, сел тўхтайди.
Сев тешикни (тирқиши) топар.
Сув тугаса сой қолар.
Сувли ер – жаннатнинг тўри, сувсиз ер – дўзах гўри.
Сувнинг ҳам сўроғи бор.
Сув ерга, илим (билим, бойлик) – элга.
Сув одамнинг жони, ўсимликнинг қонидир.
Сув оққан ариқ ям-яшил. (Сув юрган ўзан қуrimas).
Сув бўйиннинг кирини кеткизар, ўйнинг кирини кеткизмас.
Сув ҳам қаттиқ ерда тўхтайди.
Сув этагидан қудук қазима.
Сув ичган қудуғингга тупурма.

Сув ўз ўзанини топар.
Сув билан келган, ел билан кетар.
Сув билан ўйнама – чўкасан, ўт билан ўйнама – куясан.
Сув билан ўйнама, ёз кунига ишонма.
Сув ташиса – ерига, эр ташиса – элига.
Сув пастга оқиб, одам ўйдан чиқмай қоқилмас.
Сувдан ўтгунча энамни берайин, сувдан ўтганган сўнг нимамни берайин?
Сувни ер безайди, жойни эр безар.
Сувнинг яқини, қайнонанинг олиси яхши.
Сувсасанг сувдан тотли йўқ.
Сув оқимиға қараб, сўз – сарфига қараб.
Оққан сувни ҳаром дейишмас.
Осмоннинг буғи – ариқнинг суви.
Бойнинг сувидан умид қилма, сойнинг сувидан умид қил.
Дарё – дарё, дарёни бойлаган – айёр.
Сув кўпайса, дарё тўлар.
Дарёни бўғганга даво йўқ.
Қалқиган булут ҳам қайта сув бўлар.
Лойқа сувдан қаймоқ кутишмас.
Дарё суви оқа-оқа тозарар.
Кеманинг йўли – сувда, ёмоннинг йўли –чувда.
Музлик – тоза сув.
Дарёни меҳнат тўсар, одам ақлдан ўсар.
Чўққидан – томчи, томчидан – булоқ, булоқдан – сув, сувдан – дарё, дарёдан –
кўл, денгиз, уммон.
Чўққининг булоғи – мўл.
Сув қадрини билмаган совиб тинади.
Сувдан – буғ, кувдан –чув.
Сувдан – ёйиқ билан, кўлдан – қайиқ билан (ўтасан).
Сув – муздан, ариқ – селдан.
Сувни қайнатсанг буғ бўлар, кунни қайнатсанг чўғ бўлар.
Сувни қулоқ билан, сувни сўроқ билан (тўхтатар).
Сувсаганга сув – қимиз.
Сув деганга сув томиз.
Сувсиз умр йўқ.
Озайган сувдан қамчилик излашмас.
Тошни оқизган сув.
Тез оққан сув – қувноқ сув.
Олисласанг булоқ бор, унда ҳам қулоқ бор.
Булоқни булғаган – тентак, одамни танлаган – чўнтак.
Булоқни бузуқ булғайди.
Булоқнинг кўзини оч.
Кудуқ тўлар - очкўз тўймас.
Кудуқни кутурган булғайди.

Қувланган қудуққа тушади.
Сув ғўзанинг жони, ўғит унинг дармони.
Ер-сув – битмас кон.
Ер – хазина, сув – гавҳар.
Сувнинг кўриниши мулойим, бағри – тош.
Кариз суви – жон суви.
Сув – зар, суви заргар.
Сув келди – нур келди.
Сув қатраси – дур қатраси.
Сувсиз ер – жонсиз жасад.
Сувдан – қатра, офтобдан – қатра.
Сувнинг ози ҳам бир бало, кўпи ҳам бир бало.
Ҳосилнинг отаси – сув, онаси – ер.
Экин экмоқ осон, сув келтиरмоқ қийин.

Йиллар ўтиб, асосий бойлик сув бўлар.
Суви борнинг кўтаргани туғ бўлар.
Ҳаёт боши ётар, дўстим, тоғларда,
Дарё озайса, дала сўлиб қув бўлар.
Сув – соғлик, соғлиги йўқ элни
Коронги босиб, келажагичув бўлар.
Тоза бўлсанг сувдай бўл,
Борин ювиб кеткизган.
Кучли бўлсанг ердай бўл,
Борин чидаб кўтарган.